

МАКТАБ КУТУБХОНАСИ

---

ЛУТФИЙ

# ГУЛ ВА НАВРЎЗ

*Нашрга тайёрловчилар:  
С. Долимов ва У. Долимов*

•УЎҚИТУВЧИ. НАШРИСТИ  
Тошкент—1974

С

«Уқитувчи» нашриёти, 1974.

Жамоатчилик асосида  
филология фанлари кандидати  
С. Эркинов таҳрир қилган

## «ГУЛ ВА НАВРУЗ» КИТОБИНИНГ АЕВАЛИ

Масиҳо янглиг ул Хизри суҳансоз,  
Анингдек кўргузур (ул парда) да роз.

Ки Навшод элида бор эрди бир шоҳ,  
Келурдин воқифу кечгандин огоҳ<sup>1</sup>.

Оти Фаррух, ўзи фархунда ахтар<sup>2</sup>,  
Анинг ҳукминда ул иқлиму кишвар.

Қамуқ оламда адлу доди машҳур,  
Черики бениҳоят, мулки маъмур<sup>3</sup>.

Жаҳондин бир ўғулға орзуманд,  
Мунги йўқ ҳеч нимадин ғайри фарзанд<sup>4</sup>.

Тилак устинда чун сидқи бор эрди,  
Тилагандек муродин тенгри берди.

Севар маҳбуби бор эрди ҳарамда,  
Ки доим кўнгли эрди ул санамда.

Саодат бирла юкланди вужуди,  
Етилгач ҳадди ҳамлининг ҳудуди<sup>5</sup>.

---

<sup>1</sup> Келди-кетдининг ҳаммасидан хабардор эди. <sup>2</sup>Навшод элидаги подшо-нинг оти Фаррух эди (гўзал, ҳусндор, очиқ юзли, ёқимли), у бахт юлдузи эди. <sup>3</sup>Бутун дунёда адолат ва инсоф билан машҳур эди. Қўшини ҳаддан ташқари кўп, мамлакати маъмур эди. <sup>4</sup> Фарзанддан бошқа ҳеч нарсадан ғами йўқ эди. <sup>5</sup> Подшо хотинининг вужуди бахт-саодатга тўлди, у фарзанд кўрадиган бўлди, вақти етди.

Ушул чоқтаки олам бўлди хуррам,  
Сабо урди дами Исои Марям.

Чаманлар бўлди жаннатдин намудор,  
Очилди гул, сочилди мушки тотор.

Янги йилнинг бошинда рўзи наврўз,  
Садафдин чиқти бир дурри шаб афрўз.

Севингандин отоси ганжйн очти,  
Неким қозгонганин оламга сочти.

Улуқ тўйлар қилиб, ишратлар этти,  
Яратқон бирла кўп ниятлар этти.

Улуста мустаҳиқларни қилиб шод,  
Ҳам ул дам бандиларни қилди озод.

Чу наврўз бўлди наврўз ичра фируз,  
Атоди ўғлининг отини Наврўз.

Сут эмганда саодат доя бўлди,  
Тили чиққач, ҳунар ҳамсоя бўлди.

Топиб нашъу намо давлат ичинда,  
Ягона бўлди оз муддат ичинда.

Кичик ёшдин қамуқ фанларни билди,  
Кўпин ўз ақли бирла фаҳм қилди.

Не турди бир нафас, не урди бир дам,  
Тамом ўрганди, билди барча ирдам.

Гаҳе қуш қушламоқ, гаҳ овламоқда,  
Кийик немламоқ, арслон қувламоқда.

Кеча бўлса танаъум бирла машғул,  
Мусоҳиблар бари мавзуну мақбул.

Иировлар софу соқийлар гуландом,  
Тобуқчилар сабук руҳу дилором.

Мунигдек хуш кечуруб умрини шод,  
Чиқиб кезар эди ул сарви озод.

Хуш эрди бир кеча вақти бағоят,  
Кечиб суҳбатта ҳам турлук ҳикоят.

Гаҳ укдилар Хўтан зеболарини,  
Замоне Румнинг раъноларини.

Гаҳе Чин хубларидин сўзладилар,  
Гаҳ ўзбекдин парилар кўзладилар.

Этиб ҳар бири бир кишварни таҳсин,  
Қила билмадилар бир ерни таъйин.

Маликзода бўлуб хушвақту хуррам,  
Лаби хандон, мусалсал зулфи дарҳам.

Димоғи ҳусн авсофи била тар,  
Йигитлик жўши бирла бода дар сар.

Муғанний дардмандона ғазалхон,  
Тузуб булбул наво бу қумри алҳон.

Бу ҳолатда хиромон бўлди соқий  
Маликзодага етти давр аёқи.

### НАВРҮЗ ҲЗ-ҲЗИГА ОШИҚ БУЛҒАНИ

Аёқ олиб ичар-ичмасда ул шоҳ,  
Ҷоғирда кўрди ўз аксини ногоҳ<sup>1</sup>.

Анингдек бўлди ўз кўркина ҳайрон,  
Ки чок этти яқосин сарви кайвон<sup>2</sup>.

Ҳз-ҳзи бирла кўнгли бўлди мойил,  
Вале ул дам уётдин бўлди ҳойил.

Ижозат бериб элга узр қилди,  
Тўшак солдилар, уйқу вақти бўлди.

Тилади кўзгуву кўрди юзини,  
Ҳзиндин бордию сееди ўзини.

---

<sup>1</sup> Ҳша шоҳ қадаҳни олиб ичар-ичмас, ногоҳ унда ўз аксини кўрди.

<sup>2</sup> Ҳ ўзининг ғўзаллиғига ҳайрон қолди, Зуҳал юлдузларидаги (ёки еттинчи қават осмондаги) сарв ёқасини чок этди.

Сўрар эрди лабин юз ноз бирла,  
Қучар эрди белин минг роз бирла.

Гаҳе элтиб аёғини кўзина,  
Гаҳе суртуб иликини кўзина.

Мунингдекда чоғир зўр этти ногоҳ,  
Уюди<sup>1</sup>, не кўрар уйқусида шоҳ:

Буте, не бут, магар ҳури паризод<sup>2</sup>,  
Лаби нозик, бўйи чун сарви озод<sup>3</sup>.

Паришон сочлари гул япроғинда,  
Туман минг шевалар ҳар боқмоғинда<sup>4</sup>.

Кўзи қоши қилиб минг фитна ангез<sup>5</sup>,  
Лаби пуршевау зулфи диловез<sup>6</sup>.

Қўмулгон орази жонларға лойиқ,  
Аёқдин бош бўйи хонларға лойиқ.

Элинда бир пиёла бодаи ноб,  
Мунингдек келди ул гулбарги сероб.

Шаҳаншаҳға аёқ туттики<sup>7</sup>: «Ичгил!  
Мени деб ўзгадин бир йўли кечгил!»

Чу Наврўз ул қадаҳни нўш қилди<sup>8</sup>,  
Ичи қайнар қозондек жўш қилди<sup>9</sup>.

Аёғин ўпдию дедик: «Эй моҳ,  
Не ердин сенки туштинг мунда ногоҳ?

Тиларсам, мен сени қайдин тилойин,  
Сўроғингни сўруб, кимдин биллойин?

---

1 Ухлади. 2 Бу мисрадаги «бут» сўзи «севгили», «маъшуқа» маъносини билдирилади, яъни шоҳ тушида шундай гўзал бир қизни кўрдик, у севгили, маъшуқагина (бут) эмас, балки ҳури паризоддир маъносини билдиради. 3 *Сарви озод*—хуш қомат ёр, хуш қомат севгили. 4 Ҳар бир қарашда, боқишида (минглаб) гўзаллик, ноз-ишва, муҳаббат намён бўлади. 5 Кўзи, қоши кишининг қалбида ишқ-муҳаббат дардларини кўзгатади. 6 Лаби ҳаддан ташқари гўзал, сочи кўнгилини банд қилувчи. 7 *Аёқ тутмоқ*—қадаҳ тутмоқ, май тутмоқ. 8 *Нўш қилмоқ*—ичмоқ. 9 *Жўш қилмоқ*—қайнамоқ, гулгула қилмоқ.

Агар жонсен, нечун тандин йироқсон?!  
Ва гар худ ҳурсен, топқайму ризвон?!»

## ГУЛ УЗ БЕЛГУСИНИ НАВРЎЗА ТУШИНДА АЙМИШИ

Қиё боқти табассум бирла ул ҳур,  
Дедиким: «Эй ўзи-ўзина мағрур,

Мен ул сарфитнайи охир замонмен,  
Ки ҳусн иқлимида соҳибқиронмен.

Кўзум жодусидин Кашмир пуршўр<sup>1</sup>,  
Сочимдин Чин ичинда горати Ғўр<sup>2</sup>.

Лабим нуқли шакартек оташангез,  
Солур юз минг кўнгулда оташин тез.

Қадимнинг сарвидин топмас киши бар,  
Мени кўрмас паритек одамилар.

Отим Гулдур, вале Фархординмен<sup>3</sup>,  
Не ул гулким, дегайсан хординмен».

Чу сўзлади бу сўзни ул гуландом,  
Шаҳаншоҳнинг элиндин олди ул жом.

## НАВРЎЗ УЙҚУСИНДИН УЙҒОНИБ БЕҲУШ БУЛАМИШИ

Кената сесканиб уйғонди Наврўз,  
Анингдек урди бир оҳи жигарёуз.

Ким, ўртайёзди оламини саросар,  
Тилади, кўрмади Гулни баробар.

Яқосин чок этиб фёрёд қилди,  
Куюклик навҳалар бунёд қилди.

Узин ерга уруб, кўп йиғлади зор,  
Йигидин ўзга худ не чораси бор.

<sup>1</sup> Менинг кўзимнинг соҳридан (шўхлигидан, ўйноқилигидан) Кашмир нотинч. <sup>2</sup> Менинг сочим туфайли Ғўрга қилинган босқиндек Чинда талонто-роҳ юзага келади. <sup>3</sup> Фархор—безаш, безатиш, ясатиш; ғўзаллар яшайдиган ва бутлар макони бўлган машҳур афсонавий шаҳарнинг номи, бир мамлакатнинг номи.

Туганди сабру орому қарори,  
Йиғи кўп бўлди, ҳаддин ошти зори.

Чу пайдо бўлди минг турлук аломат,  
Этиб лоҳавл ўзин қилди маломат.

## НАВРЎЗ ТУШИНИНГ ТАЪБИРИНИ ЭЛДИН ТИЛАГАНИ

Яна эл тилидин андеша қилди,  
Зарураттин таҳаммул пеша қилди.

Вале эрта-кеча ўлтурса-турса,  
Бу ғамдин холи эрмас бир дам урса.

Жаҳонгашта мусофирларни индар,  
Сўрар бу тушнунг аҳволин саросар.

Тилаб, истаб нишон топмас кишидин,  
Тақи дармондароқ бўлди ишидин.

Ўзин ҳар дам бир иш бирла овутур,  
Тасаллилар бериб кўнглин совутур.

Чу ногаҳ ишқ ўти бир шуъла урса,  
Яқиндурким кулин кўкка совурса.

Таҳаммулсиз бўлуб отланди ул дам,  
Чиқиб сайрон била дафъ этар ул ғам.

Гаҳ айтур бенавоёна суруде,  
Гаҳ оқизур сиришки бирла руде.

Гаҳе лола била бошлар ҳикоят,  
Гаҳе гулни кўруб сўзлар шикоят.

Гаҳе сарвини ўхшатур қадина,  
Саманни менгзатур гоҳи қадина.

Ки бу дардина бир кун отланиб ул  
Юрур эрди, йўлуқти бир улуқ йўл.

(Келур бир корвон) ул йўл била рост,  
Йўлуқушти шаҳаншаҳ бирла бехост.



Ийгилиб корвонийлар саросар,  
Қилиб шаҳзодага турлук дуолар.

Нисор афшон қилиб дурру жавоҳир,  
Тобуқда қилдилар ихлос зоҳир.

Юруб Наврӯз аларни гарм сўрди,  
Тушуб бир дам алар бирла ўтурди.

Сўрарда ҳар бирининг зоду будин,  
Кената кўрди бир соҳиб вужудин.

Юраки қўпти, кўнгли бўлди хуррам,  
Они индаб, деди: «Эй ёри ҳамдам,

Бағоят кўнглум ичра ошносен,  
Дегил қайдин келурсен ҳолиё сен?»

Ер ўптию деди: «Эй хисрави даҳр,  
Ки Фархор отлу бордур бир улуқ шаҳр.

Мең ул ердинмену андин келурмен,  
Ул элдин ҳар не сўрсангиз, билурмен.

Эрур отим ул элда Булбули маст,  
Билурмен юз туман достой била даст.

Забур алҳонлиқ йирлар билурмен,  
Надимлиқ ичра тадбирлар билурмен.

Бу сўз ангезман афсона пардоз,  
Навода Зухрау Заҳроға дамсоз.

Масиҳотек даминдин жон топар эл,  
Унумнинг дардидин дармон топар эл».

Чу Фархор отини шоҳ гўш қилди<sup>1</sup>,  
Узиндин бордию<sup>2</sup> беҳуш бўлди.

Тутуб бўйнин, қучуб ўпти юзидин,  
Айирмас бўлди бир соат ўзидин.

---

<sup>1</sup>Гўш қилди — оғитди. <sup>2</sup>Узиндин борди — ўзини йўқотди.

Олиб келди ани ўз маснадина,  
Исирғондурди лутфи беҳадина.

Ани чун шоҳ надими хос қилди,  
Иноят бирла хосул-хос<sup>1</sup> қилди.

### НАВРЎЗ ГУЛ ХАЕЛИ БИЛА БУЛБУЛ БИРЛА ҲИКОЯТ ҚИЛҒАНИ

Чу Булбул бўлди Наврўз ошноси,  
Очилди мингдин ортуқ пур навоси . . .

Ба ҳар мажлиски қилса нашқ пардоз,  
Қилур Наврўз жон афшонлиқ оғоз.

Қачонким қилса бир оҳанг таркиб,  
Тушар шаҳзодаға ортуқси тарғиб.

Қилур шаҳ ул наволар бирла ишрат  
Аюр Гул отини соат-басоат.

Эшитур бўлса Гул отини Булбул,  
Унгина тушти Фархор ичрағи Гул.

Қилиб васфин тарона бирла тақрир,  
Қилини нақш боғлаб қилди таҳрир.

### НАВРЎЗ БУЛБУЛ УНИДА ГУЛ НИШОНИНИ ТОПҚАНИ

Чу шаҳ Булбулда топти Гул нишонин,  
Бу кез булбулдин орттурди фиғонин.

Дедиким: «Қил бу таҳрирингни такрор,  
Айит ўртукли тақрирингни изҳор!»

Айитти Булбули шўрида: «К-эй шоҳ,  
Чу шарҳин сўрдунг эрса, бўлғин огоҳ,

Ки Фархор элида бир хонимиз бор,  
Шаҳи Мушкин деган султонимиз бор.

---

<sup>1</sup> *Хосул-хос*—хосларнинг хоси, энг яқин.

Эру Жамшид<sup>1</sup> уруғиндин нажоди,  
Фаридундин<sup>2</sup> ҳам ортуқ адлу доди.

Адимул мисл<sup>3</sup> эрур якки жаҳонда,  
Тенги йўқтур замину ҳам замонда.

Уғул-қиздин Гул отлиқ бир қизи бор,  
Ким асрар халқдин пинҳон паривор.

Жамолиндин ҳикоят қилса бўлмас,  
Камолотин ҳақиқат билса бўлмас.

Узорин аксидин кун хира бўлур,  
Юзи ўтрусида ой тийра бўлур.

Севар ул Гул бу Булбулнинг навоси,  
Ки бор бу бенаво бирла ҳавоси.

Чу шаҳ ўз тушина таъбир (топти),  
Тилаган ишина тадбир топти.

## НАВРЎЗ ҲЗ СИРРИНИ БУЛБУЛҒА АЙМИШИ

Қилиб Булбулни ўз ҳолиндин огоҳ,  
Айитти жумлаи аҳволини шоҳ ...

Куюб Булбул ичи Наврўз учун зор,  
Дедиким: «Эй, шаҳаншоҳи жаҳондор.

Аёқдин бир замон ўлтурмайин хуш,  
Тирик боринча бир дам урмайин хуш<sup>4</sup>.

Ҷидогонча қилиб афсуну найранг,  
Бориб афзун этайин минг туман фанг.

Магарким, ул пари тасхир бўлғай,  
Зулайҳо бирла Юсуф<sup>5</sup> бир бўлғай ...»

Чу Булбулдин эшитти ваъда Наврўз,  
Чиқорди жонидин оҳи жигарсўз.

<sup>1</sup> Жамшид—қадимги Эрон подшоларидан бири. <sup>2</sup> Фаридун—эрамиздаги илгари 750 йилда ўтган Эрон подшоларидан бири. <sup>3</sup> Адимул мисл—мисли кўрилмаган.

<sup>4</sup> Бир нафас ўлтурмай, бир дам фароғатга берилмай. <sup>5</sup> Зулайҳо, Юсуф — «Юсуф ва Зулайҳо» достонининг асосий қаҳрамонлари.

Ўпуб Булбул аёқин йиғлади зор,  
Деди: «Эй ёри ҳамдарду вафодор.

Белинг боғлаб аёқ босқин кўзумга,  
Равон бўлгин, қадам қўйгин юзумга.

Бу йўл эмгокидин фикр этмагин ҳеч,  
Муродинг тенгри берса, қолмагин кеч.

(Бу бодадин анга ҳам бир оёқ тут)  
Бўсоғосин ўпуб мендин қулоқ тут<sup>1</sup>.

Менинг ҳолимни бир яхши маҳалла,  
Тобуғинда адо қил бир газалда».

### НАВРУЗ БУЛБУЛНИ ГУЛ ТОБУҒИНДА ЮБОРҒАНИ

Ер ўпти Булбули шўрида дарҳол,  
Қилибон зарқу қўшиштин пару бол.

Кунин бўлжаб, ҳам ул кун йўлга тушти,  
Юзуб Фархор мулкина ёвушти.

Анингтек чоғда етти Булбули маст,  
Ки Гул ишратда машғул эрди пайваст.

Бўлуб Фархор жаннатдин намудор,  
Биҳишти аднтек саҳроу гулзор.

Ҳаво Исо дамитек руҳпарвар,  
Ёғочлар тўбию оқар су кавсар.

Чаманлар ичра қушларнинг сафири,  
Ёғочлар учи гулларнинг сарири.

Яна девоналиқ бошлаб хирадманд,  
Бўлуб девоналарға мавсуми банд.

Бу кунлар Гул қидиб гулшан ҳавосин,  
Тилади хотири Булбул навосин.

---

<sup>1</sup> Бу майдан унга ҳам бир қадаҳ бер, остонасини ўлиб, менинг сўзим-  
ни унга етказ.

Тилабон топмади ўз Булбулин Гул,  
Писанд этмади кўнгли ўзга Булбул.

Бу кун ишратни мавқуф этти ул моҳ,  
Ки ногаҳ етди Булбул ул саҳаргоҳ.

## БУЛБУЛ ГУЛ ҲУЖРАСИ ГИРДИНДА НАВРУЗ ЕДИ БИЛА СУРУД АЙФАНИ

Қилиб Гул ҳужраси гирдинда жавлон,  
Навое бошлади гирёну нолон.

Равон Наврўз оҳангина тузди,  
Эшитган халқнинг бағрини бузди.

Анингдек нолалар бошлади пурдард,  
Ки субҳ ул ноладин урди дами сард.

Чу Гул ноз уйқусидин бўлди бедор,  
Кўрар Булбул қиладур нолаи зор.

Не оҳангедурур Наврўз бирла?  
Навosi барча дарду сўз бирла?

## ГУЛ БУЛБУЛ УНИ БИРЛА НАВРУЗ СИФАТИНИ ЭШИТИБ ОШИҚ БУЛФАНИ,

Буюрди Гулки, соқийлар уёнсун,  
Қадаҳгардон бўлуб, ишрат улонсун.

Гули мискин яна ўт устунинда  
Кўзи элда, ўнги Булбул унинда.

Юраги ўртанур, кўздин тўкар ёш,  
Аёғ ичган сою ҳардам қўяр бош.

Энагаси бор эрди оти Савсан,  
Тили гаҳ ханжар эрди, гаҳ сўзан.

Анинг туққан, туроган ери Кашмир,  
Ул элда касб қилган макру тазвир.

Ҳиял ичра кичик шогирди иблис,  
Аёқдин бош вужуди макру талбис.

Нечук уйқусидин ўйғанди ногоҳ,  
Кўрар Гул зор-зор йиғлаб урар оҳ.

## САВСАН ГУЛНИ БУ ИШРАТТИН ТИЙҒАНИ

Уруниб, сесканиб қўпти ериндин,  
Ачиқдин ўт чақилиб кўзлариндин.

Ҳамул дам фитнаи охир замонтек,  
Мунаққас қилди Гул вақтин хазонтек.

Чу ҳеч қолмайдур эрди ихтиёри,  
Упуб, бўйнини қучуб бошлади зори:

Ким: «Эй орқам, умидим, меҳрибоним,  
Юрагим қуввати, жону жаҳоним.

Тўра бирла онам десам, онамсен,  
Анодин меҳрибонроқ деса ҳам сен!»

## ГУЛ УЗ СЎЗИНИ САВСАНҒА АЙТҚАНИ

«Не ўт тушти ичимга, билмон охир,  
Халосимни тасаввур қилмон охир!

Куяр жоним, юрогим ўртанур зор,  
Не сабр этсам бўлур ,не тоқатим бор ...

Не кўрдум, билмадим Булбул унинда,  
Ки туштум бу улук меҳнат кунинда».

Қўпуб Савсан, чиқиб Булбулни кўрди,  
Шикоят бирла аҳволини сўрди:

«Ки, эй пургўйи бемағзи паришон,  
Яна қайдин кетурдинг ушбу дoston?

Бу не овозау Наврўз кимдур?  
Бу хуршеди жаҳонафрўз кимдур?<sup>1</sup>

Бу оҳу ноладин недур муродинг?  
Ешурмоғин некимдур эътиқодинг?<sup>2</sup>

<sup>1</sup> Жаҳонни ёритувчи бу қуёш кимдир? <sup>2</sup> Эътиқод билан қараганинг  
ким, яширмагин?

## БУЛБУЛ НАВРЎЗ ҲИКОЯТИН САВСАНҒА АЙТҚАНИ

Табассум қилди-ю, ер ўпти Булбул:  
«Ки, мен беҳуда қилмасмен бу гул-гул.

Ҳавас қилдимки сайр этсам жаҳонни.  
Танисам дунёда яхши-ёмонни.

Тушуб Навшод шаҳрина гузорим  
Писанд этти ул элни ихтиёрим.

Ул элда бир ажаб шаҳзодае бор,  
Саодат бирла давлатқа сазовор.

Бағоят кўнглум ичра нозаниндур,  
Латофат ичра чун дурри саминдур.

Бўйи бошдин аёқ руҳи мужассам,  
Дами жонбахш чун Исойи Марям.

Ўзи Наврўз, отоси сти Фаррух,  
Анинг гуфторидур бу шеъри тонгсук.

## САВСАН БУЛБУЛДИН НАВРЎЗ СИФАТИНИ ЭШИТИБ, ГУЛГА АЙМИШИ

Ениб Гул ҳазратинда борди Савсан<sup>1</sup>  
Эшитганини сўзлади муайян.

Эшитти эрса Гул Савсан сўзини,  
Эси озди, тия билмай ўзини<sup>2</sup>.

Анингтек сустайиб тушти аёқдин<sup>3</sup>,  
Ки ёш ўрнинда қон сочди қароқдин<sup>4</sup>.

Кўруб Савсан бу ишни, ҳайрат олди,  
Тафаккурдин бошин туттию қолди.

## САВСАН ГУЛГА МАЛОМАТ ҚИЛҒАНИ

Маломат бошлади Гулга (ки): «Эй моҳ,  
Отоқлиқинг турур хоқон киби шоҳ.

Гар андин фикр қилмассен сен охир,  
Отанг бирла онангдин ийман охир!

<sup>1</sup> Савсан қайтиб Гул ҳузури (олди)га борди. <sup>2</sup> Ўзини тутолмасдан, ҳушидан кетди. <sup>3</sup> У сусайиб (ҳолсизланиб), ўзини йўқотди. <sup>4</sup> Қароқ, қирғоқ—«кўз» маъносида.

Агар андеша қилмассен ўзингдан  
Езуқсиз бизни ўлтуртурмусен сан?!<sup>1</sup>

Маломат бирла ортар ишқи пуршўр,  
Неча тийған сою онча қилур зўр.

Севук севган ўлумдин фикр қилмас,  
Этин қайчи била тўғраса билмас.

## ГУЛ САВСАНГА АЧЧИҒЛАНИБ НОЗ ҚИЛҒАНИ

Чу Гул мундоқ қатиқ сўзлар эшитти,  
Тавозеъ бирла Савсанга айтитти:

«Мени дардим била қўй, йиғлайин зор,  
Жароҳат бирла қилмас марҳам озор.

Чу марҳам бермасанг, ниш урмоғинг не?<sup>2</sup>  
Намак бар синаи реш урмоғинг не?<sup>3</sup>

Менинг учун не эмгандинг, не кўрдунг?  
Не битмай қолған ишимни битурдунг?

Мени қўйғил туганмас ушбу ғамға,  
Бориб айғил отам бирла онамға.

Сенга неча ёлиниб ёлбойин!  
Неким келса бошимға хуш кўройин!»

Чу Савсан кўрди Гул вақти паришон,  
Айитгон пандидин бўлди пушаймон<sup>4</sup>.

## ГУЛ САВСАН НАСИҲАТИДИН КўНГЛИ ҚОЛҒАНИ

Нечаким, алдади Гул ноз қилди,  
Бурунқи илтифотин оз қилди.

Ўзи бирла тафаккур қилди Савсан<sup>5</sup>:  
«Ки сан кимсанки, бўлсанг Гулга душман.

Бу дунёда киминг бор ондин ўзга,  
Яна бир ёшқа етган жондин ўзга.

---

<sup>1</sup> Гуноҳсиз бизни ўлдиртирмоқчимисан? <sup>2</sup> Марҳам бермасанг, нима учун тикан урасан? <sup>3</sup> Сийнадаги ярага туз сепганинг нима қилганинг?  
<sup>4</sup> Айтган насиҳатидан пушаймон бўлди. <sup>5</sup> Савсан ўзинча ўйлади.



Жаҳонда мунча йиллар умр сурдунг,  
Нечукким, бўлса дунёни кечурдунг.

Яна бир неча йилни кечти тутқин,  
Тиконликни қўюб Гулни овутқин».

### **САВСАН ГУЛНИ ОВУНСУН ДЕБ, БУЛБУЛНИ ШАФЕЪ КЕЛТУРГАНИ**

Иноят қилди ногаҳ боқти Савсан,  
Ки Булбулни шафеъи қилди Савсан:

«Қилиб густоҳлик Гул ҳазратинда,  
Қатиқ сўз сўзладим билмай қотинда.

Келиб Гулдин мени дархост қилгин,  
Менинг бирла мизожин рост қилгин.

Тобуғинда мулозим бўл ниҳоний,  
Овутқин ҳар нечукким, бўлса они».

Келиб Булбул ер ўпти Гул қотинда,  
Дуолар арз қилди хазратингда.

Кўруб Булбулни Гул қилди табассум,  
Чиройин очти, бошлади такаллум.

### **БУЛБУЛ САВСАННИ ГУЛДИН ШАФОАТ ҚИЛГАНИ**

Чу Булбул Гул билан ҳамроз бўлди.  
Равон Савсан тилиндин уэр қўлди.

Ки: «Савсандин эрур гулшан ривож,  
Нечукким, Гул эрур Савсан ривож».

Гули хандон бўлуб Савсан била хуш,  
Ярашти Булбул ул гулшан била хуш.

Кудурат ўртада қолмади боқи,  
Бу кез соқий юрутти давр аёқи.

### **БУЛБУЛ ГУЛ ҚОТИНДА НАВРЎЗ СИФАТИН ҚИЛГАНИ**

Сўрар Гул ҳар замон Наврўздин роз,  
Қилур ҳар лаҳза Булбул бир наво соз.

Нечук Наврўз Гулни тушта кўрди.  
Не турлук сиррини элдин ёшурди.

АД Не қилғонин, не дегонин саросар,  
Айитти барчасин Гулга баробар.

Эшитган сою Гулнинг дарди ортар,  
Сиришки гарму оҳи сарди ортар.

Яқо йиртиб, қачонким урса бир оҳ,  
Дариндурким, жаҳон ўртанса ногоҳ.

Кунинча келтуруб Булбулни хилват,  
Тутар Наврўз васфи бирла суҳбат.

Надими, ҳамдами Наврўз оди<sup>1</sup>,  
Кеча-кундуз ғами Наврўз ёди<sup>2</sup>.

Неким сўзлар, сўзи: «Наврўз, Наврўз!»  
Белингласа, сўзи: «Наврўз, Наврўз!»

Гули Мушкин бу дард ичра гирифтор,  
Кунинча сабр этар нокому ночор.

## БУЛБУЛНИ НАВРЎЗ ФАРҲОРҒА ЮБОРГАНДИН СУНГРА НАВРЎЗ ҲОЛИ ГУЛ ЧОҒИДА

Нечук Булбулни бадруд этти Наврўз,  
Бу кез ҳаддин ошурди оҳи дилсўз.

Уюмас бўлди, ишрат худ не бўлур?  
Жонидин тўйди, суҳбат худ не бўлур?..

Емак, ичмакдин очу умридин сер,  
Бағирдин қон ичар, кўнглинда ғам ер.

Ўзи хилватда ёлғуз ўлтурур зор,  
Ўнгинда Гулу лекин, кўнглида хор.

Бўлуб эрди бу сўздин Фаррух огоҳ,  
Ҳамиша фикр этар эрдик, ногоҳ—

Керакмагайки, Наврўзи пари рўй  
Азимат соз этиб кетгай пари жўй.

Анинг фикринда кечгантек замона,  
Кената отти ўқин бар нишона.

---

<sup>1</sup> Наврўзнинг оти ҳамсуҳбати, ҳамдами бўлди. <sup>2</sup> Унинг ғами Наврўз-  
ни эсга олиш бўлди.

## НАВРҮЗ ҲАВО ҚИЛИБ КЕТГАНДА, ФАРРУХ БОРИБ ЕНДУРҒАНИ

Тек ўлтурғач ҳавое қилди Наврўз,  
Эяратти отин бо дарди пурсўз.

Мунигдек ёлғузун отланди чиқти,  
Эшитиб чарх бу ғамдин ториқти.

Не тўн кийдию не боғлади белин,  
Равон отланғач Ўтландурди (элин).

Чопишти ҳар киши бир сори турмай,  
Ерим соат туриб, бир дам ўтурмай.

Итиклаб эрди Наврўз ўз юришин,  
Эшитти ноғиҳон отлар товушин.

Совурди кайбурун, қормоди ёсин,  
Кейин боқти эса, кўрди отосин.

Ёсин ташладию ўқини солди,  
Отиндин сачрағач, бўркини олди.

Ер устин оғнади тўнин қилиб чок,  
Қизил қонға бўяб бўйнин, бошин пок.

Отоси ташлағоч оттин ўзини,  
Аёғи изина суртти юзини.

Анингдек тўлғашиб, йиғлаштилар зор,  
Ки қон йиғламоғон қолмади дайёр.

Бу иш бирла олиб, ёндурди ўғлин,  
Ёнар ўтқа солиб, ёндурди ўғлин<sup>1</sup>.

## ФАРРУХ НАВРҮЗ ИШИ УЧУН БЕКЛАР БИЛА КЕНГАШГАНИ

Кенгашти бек-бекат бирла фаровон,  
Ҳеч иш била тилаб, топмади дармон.

Анингдек кўрди ўғлининг мизожин,  
Ки Гул васлиндин истар ўз иложин.

---

<sup>1</sup> Шундай қилиб, ўғлини йўлдан қайтарди, бу билан ўғлини ёняб турган ўтга ташлаб ёндирди.

Тилар Фархор иқлимина кетса,  
Бориб кўнгли тилатониға етса.

Ҳеч иш бирла тасалли топқуси йўқ,  
Момуқ бирла ёлини ёпқуси йўқ<sup>1</sup>.

Бу кез Фаррух кўнглун бирга берди,  
Неким фикрини бир тадбирга урди.

Ки Наврўзга кўп истеъдод берса,  
Ясаб Фархор мулкина юборса.

Элининг кушлугин фохрини сузди,  
Неким, йўлга керак, борини тузди.

Ясади ҳар нимадин бир хазина,  
Олиб қолмади бир олтун ўзина.

Бор эрди бекларинда Баҳман отлиқ,  
Чиройи соп-совуқ баҳман сифатлиқ<sup>2</sup>.

Они солғади ҳам Наврўз бирла,  
Кўчурди толеи пируз бирла.

## ФАРРУХ НАВРУЗНИ ФАРХОРҒА УЗАТҚАНИ

Узатти ўғлини бир неча манзил,  
Қолибон кўз ёшидин пойи дар гил.

Отоси йиғла-йиғлай эвга ёнди<sup>3</sup>,  
Ўғул ўйнай-кула йўлга узонди<sup>4</sup>...

## БАҲМАН НАВРУЗНИ ЙЎЛДИН ЕНДУРА СУЗЛАГАНИ

Тафаккур қилди бир кун Баҳмани пир,  
Ки: «Фикр этмак керак бир ўзга тадбир.

Магар бўлғайму бу ўғлон пушаймон,  
Куюб ёнғай бу савдои паришон».

---

<sup>1</sup> Ҳеч қандай иш билан кўнгли тасалли топмайди, юмшоқ юнг (момит) билан ёлини ёпқуси ҳам истамайди. <sup>2</sup> Қипнинг энг совуқ ойларидан бири, жин ёки шайтоннинг исми. <sup>3</sup> Эвга ёнди—уйга қайтди. <sup>4</sup> Йўлга узонди—йўлга чиқди.

Келиб Наврӯз била ёндашти густоҳ,  
Кўзин юмди-ю, оғзин очти густоҳ:

«Ки бир мундоқ сўруб қайда борурмиз,  
Улусни куч била ўтқа солурмиз!

Ғариблиқта бу эл кун нетгусидур,  
Нетак Фархор элиа етгусидур.

Ёнинг бу маънисиз телба юрушни,  
Келинг, лоҳавл этинг бу йўлсуз ишни.

Эрур Навшод мулки ҳусн кони,  
Эрам янглиғ малоҳат бўстони.

Парилар юрти, бутлар кишваридур,  
Латофат шаҳри, нозиклар еридур.

## НАВРҶЗ БАҲМАНҒА АЧЧИҚЛАНҒАНИ

Бу сўзларни эшитти эрса Наврӯз,  
Ачиғландики: «Эй пири бадомӯз,

Эсинг озибтурур соқол оқориб,  
Мунигдек ақлинг ирмоб, жаҳлинг ортиб ...

Агар сендин яна бир иш топойин,  
Ўз илгим бирла ўртонгдин чопойин».

Пушаймон бўлди Баҳман ўз сўзидин,  
Қатиқ ваҳм ичра қолди ўз-ўзидин.

Ямонлиқ ханжарини тез қилди,  
Ямон кўнглинда гадр ангез қилди.

Чу Баҳман чиқти бўлди хилвати хос  
Айитти ичкидин бир соҳиб ихлос:

«Ки, эй шоҳи жавонбахти жаҳонгир,  
Ҳаросон бўлди сендин Баҳмани пир.

Қотингда келтуруб кўнглини олгин  
Ва ёхуд холи ўқ бўйнина чолгин.

Йўқ эрса, бизга андоқ ҳийла эткай,  
Ки бор йўқни олиб, йўлина кетгай».

Маликзода бу сўзни эсламади,  
Равон ишрат учун мажлис тилади.

Қадаҳгардон қилиб соқийи маҳваш,  
Ғазалхон бўлди мутриб хўбу дилкаш.

Кечага текру андоқ ичтилар май,  
Ки ёттилар аёқдин бош билмай.

## **БАҲМАН НАВРЎЗГА ИУЛДА ҒАДР ҚИЛҒАНИ**

Ийғиб Баҳман наким сардорларни,  
Ўзига ёр этиб ғаддорларни.

Ҳаминким, кўкради тун аждаҳоси,  
Тутун бирла ёйилди тун лиқоси.

Қуйин қўпти, ўчурди кун чироғин,  
Туман тутти жаҳон бошдин оёғин.

Чу ўтти бир замон тун ёриминдин,  
Ясониб чиқтилар ерлик ериндин.

Мукаммал жиббалик отлар гажимпўш,  
Жаҳон тубсиз тенгизтек бошлади жўш.

Саросар юклатиб ганжу хазона,  
Равон ўз элига бўлди равона.

## **НАВРЎЗНИНГ ҲОЛИ БАҲМАН КЕТГАНДИН СУНГРА**

Чу Юнус чиқти болиқ қурсоғиндин,  
Хўтан тинди Ҳабашнинг булғоғиндин.

Чу толеъ бўлди меҳри олам афрўз,  
Хумор уйқусидин уйғонди Наврўз.

Кўрар душман қилиб душманлиғини,  
Совуқ Баҳман этиб баҳманлиғини.

Не эл бордур, не улус, не хазина,  
Таҳайюр қилди дунёнинг ишина.

Таҳаммул қилди, солмади ўзини,  
Ҳамул йўлдин ўвурмади юзини.

Киши (ким) ишқ бирла ошнодур,  
Анга ҳар дам фалакдин минг жафодур.

Балодур сарбасар ишқи жаҳонсўз,  
Ким ўртар мубталоларни шабу рўз.

Эр ўгликим, қадам қўйса бу йўлда,  
Қадам бошдин керакдур жони қўлда.

Эрур ошиқ иши хуноба ичмак,  
Жаҳону жонидин бир йўли кечмак.

Бўшурғонмай солиб боргонларина,  
Ижозат берди ҳам қолгонларина.

Аёгин турдилар барча саросар:  
«Ким, эй шоҳи жаҳондорои довар,

Кўтарсанг хоки пойингдин бошимиз,  
Жаҳоннинг фарши бўлсин мафрашимиз.

Тирикбиз, бандабиз, ҳар нетсанг эткин,  
Нечукким бўлса мақсудингга еткин.

Ярамасоқ сенга, кимга яроли?  
Сени мундоқ солиб, қайда бороли?»

Мунингтек етдилар Гул маҳфилина  
Нечукким, етса кун, ой манзилина.

Қадам ўрнида шаҳзода қўйиб бош,  
Муҳаббат бирла ўйнаб жонидин фош.

Булар етганда Гул Савсан қотинда,  
Қадаҳгардон қилиб Наврўз отинда.

Тобуқчиси бор эрди Зухра отлиқ,  
Навода Зухрани Заҳро сифатлиқ.

Суруд айтиб қотинда чанг бирла,  
Маволим дилпазир оҳанг бирла.

Ки ногаҳ Булбули шўридаи маъст,  
Суруде соз қилди аз сари даст.

Маҳал сақлаб, муборак фол бирла  
Ғазал бошлади ушбу ҳол бирла.

## БУЛБУЛ НАВРӯЗ ТИЛИНДИН ҒАЗАЛ УҚИҒАНИ

«Ким эй Гул, гулшан ичра тоза бўлгин,  
Жаҳон ичра баланд овоза бўлгин.

Сени севган ҳамиша шод бўлсун,  
Сенингдек қайғудин озод бўлсун.

Сени истаган ул мискини ғамхор  
Висолингдин есун бар охири кор.

Нигорина мен ул бечорадурмен,  
Ки ҳажринг жавридин оворадурмен.

Енар ўт ичра ўртаб хонлиғимни,  
Қулунг бўлдим, қўюб султонлиғимни.

Агарчи шоҳ эдим, эмди гадомен,  
Ғариблик дарди бирла мубталомен.

Ғарибу бекасу мискинман, эй жон!  
Ғарибу ошиқу ғамгинман, эй жон!

Сенинг умидинга кечтим жаҳондин,  
Кечиб, овора бўлдум хонумондин.

Ғариблар ноласиндин бўлгин огоҳ,  
Ки хирмонсўз эрур охи саҳаргоҳ.

Аё, эй кун менгизлик, муштари хол,  
Кўз учи бирла боққинким, недур ҳол?!

Ким айғай шарҳи ҳолимни қотингда,  
Чу боди субҳ етмас ҳазратингда?

Юзум кўрсанг магар билгайсан, эй ёр,  
Ки ҳажрингда нечукдурман гирифтор.



Сен андоқ маснад устинда қадаҳиш, нї  
Мен уш мундоқ асиру зору мадҳиш. Ғуҷ.

Сен андоқ нозу ишрат бирла ангез,  
Мен уш мундоқ сиришким бирла хунрез.

Сен андоқ тахту бахт подшоҳи,  
Мену фарёду оҳи субҳгоҳи.

Эрур ҳажринг ўтинда тоқатим тоқ,  
Бўлубтурман букун расвои офоқ.

Юзунг кўрмай ғамингдин чиқди жоним,  
Фалакдин ошти фарёду фиғоним.

Тараҳҳум вақтидур, эй ёр, эй ёр!  
Ғарибқа раҳм қил, зинҳор, зинҳор!•

## БУЛБУЛ СУРУДИДИН ГУЛ НАВРУЗ КЕЛГАНИНИ СЕЗИБ, САВСАН МАНЪ ЭТГАНИ

Чу Гул бу шаҳри Булбулдин эшитти,  
Таҳаммулсиз бўлуб, фарёд этти.

Ки: «Бу ҳар кундаги ашъор эмастур,  
Анинг таври била гуфтор эмастур.

Бу сўзда ошнолиқнинг иди бор,  
Анга иршод қилган муршиди бор».

Айитти Савсан: «Эй Гул, қўй бу сўзни,  
Бу муҳмал сўзга машғул этма ўзни.

Ҳамул Булбул, ҳамул кундаги йирдур,  
Букунгиси, тунав кунгиси бирдур.

Инонмасанг буюрким, Зухра дарҳол,  
Савол этсун ангаким, недур аҳвол?•

Ишорат бирла Зухра бошлади чанг,  
Тузуб Булбул навоси бирла оҳанг.

## ЗУҲРА ГУЛ ТИЛИНДИН СУРУД АЙТҚАНИ

«Ким эй кўп шевалик мурғи сухансоз,  
Мукаррар неча қилғайсан сен овоз?

Мухолиф сўз била, эй қавли норост,  
Мени солдинг бу савдо ичра бехост.

Қилур Наврўз ўз авжинда парвоз  
Анинг ёдинда сен мундоқ навосоз.

Етар, бу ишваларни оз қилгин,  
Ҳамул бултурғи нақшинг саз қилгин.

Гули парданишини зор этма,  
Бузургу кўчик ичра хор этма.

Агарчи раҳм гирдингда ёвумас,  
Мени мундоқ кўруб кўнглунг совумас.

Ёш эрмасманки, сўз бирла овутсанг,  
Мени ҳар дам бир ишга, сўзга тутсанг.

Чўлуган сувни кўрмойин иноммас,  
Неча сув десалар, сусоғи қонмас.

Гули бехор эдим Фархор ичинда,  
Жаҳонда хор бўлдум хор ичинда<sup>1</sup>.

Мамоликларга розим бўлди машҳур,  
Ҳаётимнинг чироғи қолди бенур.

Агарчи мухталиф аҳвол эурсен,  
Биҳамдуллаҳ муборак фол эурсен.

Тушунгда кирдиму ул бахти бедор,  
Ки туш кўргандек айдинг сўзни тақдор.

Исинурму киши ўтқа йироқтин?  
Мени севган нетар Навшод тахтин?

---

<sup>1</sup> Фархор вилоятида мен тикансиз гул эдим, тиканлар ичида қолиб, дунёда хор бўлдим.

Неча ёлгон эса, тинмай айтқин»,  
Бу хуш алқонни тортинмай, айтқин.

## НАВРҲУЗ ГУЛ СУЗЛАРИНИ ЗУҲРАДИН АНГЛАБ БЕҲУШ БУЛҒАНИ

Бу афсона эшитти эрса Наврӯз,  
Ёлентек урди бир оҳи жигарсӯз.

Деди: «Ё раб, бу не заҳмат тунидур?  
Не тун дерман, бу тун заҳмат кунидур!

Инонман толеъимдин бу назарни,  
Ки бермади мунажжим бу хабарни».

Яна Булбулға бир дархост қилди,  
Ким ул сўзнинг жавобин рост қилди.

## БУЛБУЛ НАВРҲУЗ ТИЛИНДИН ЖАВОБ АЙТҚАНИ

«Ало, эй ҳусн ичинда моҳи Фархор!  
Латофат ўрдасинда шоҳи Фархор!

Эшикинг тўзи жонлар тўтиёси,  
Бусоғанг гарди хонлар хун баҳоси.

Ғаминг чун қилди кўнглум ичра бунёд,  
Ҳамул дам ўтқа ёқтим тахти Навшод.

Сенинг ишқинг боринда бахт кимдур?  
Бўсоғанг соясинда тахт кимдур?

Аёғинг тупроқи ... тожим не? —етмас!  
Уроминг гашти ... меърожим не? —етмас!

Ғаминг шарҳи била маҳбуб эрур жон,  
Ва гар бўлмаса номатлуб эрур жон.

Хаёлингни кўруб бу бўлди ҳолим,  
Висолингга қачон бўлсун мажолим!

Умидим йўқ эди кўрсам юзунгни,  
Сўраб топмас эдим элдин сўзунгни.

Висол учун эмас эрди бу келмак,  
Ҳавас қилдим талаб устинда ўлмак.

Инона билмоним бахтимдин, эй моҳ,  
Мени мундоқ нечук еткурди ногоҳ<sup>1</sup>.

Дея билмамки, не давлатга еттим?  
Тушуммудурки, бу ишратқа еттим?

Не тил бирла мунинг шукрин қилойин?  
Ўғондин мундин ўзга не тилойин?

Агар бир дам сенга наззора қилсам,  
Ўкунчум қолмағай ўлсам, тирилсам<sup>2</sup>.

Тилоким дунйидин<sup>3</sup> бу ўқтур охир,  
Муродим мундин ўзга йўқтур охир.

### ГУЛГА НАВРЎЗ КЕЛГАНИ ТАҲҚИҚ БУЛИБ, САВСАНГА ЗОРИ ҚИЛГАНИ

Тули Фархор эшитгач ушбу ашъор,  
Қучуб Савсан аёгин, йиғлади зор:

«Ки ҳамдамлик кунидур ноз қилма,  
Бурунқи шевани оғоз қилма.

Неча бир йўли ғофил қилмоқ ўзни,  
Бажуз Наврўз<sup>4</sup> ким сўзлар бу сўзни?

Анинг идин топодурмен сабодин,  
Хабар бергин манга ул ошнодин<sup>5</sup>.

Агар мушфиқлигинг бор, кўргуз эмди,  
Бузуқ кўнглум тузуклигин туз эмди<sup>6</sup>».

### САВСАН БАСО МАНЪ ҚИЛИБ, ГУЛНИ ТИЙГАНИ

Яна Савсан йироқ солдики «Эй моҳ,  
Қачон келсун бу ғурбат ичра ул шоҳ?

<sup>1</sup> Эй моҳ, бахтимга ишонмайманки, мени қандай қилиб сенга еткурди.

<sup>2</sup> Агар сени бир марта кўрсам, ўлсам армоним қолмайди. <sup>3</sup> Дунйидин— дунёдан.

<sup>4</sup> Бажуз Наврўз— Наврўздаи бошқа. <sup>5</sup> Унинг ҳидини тонг елидан сўраб топаман, ўша ошнадан менга хабар бергин. <sup>6</sup> Менга меҳрибонлигингни кўрсат, вайрон бўлган кўнглимни тузатгин.

Ул элдин келса ногаҳ корвоне,  
Улусдин ёшурун қолмас замоне.

Они бир тахт эяси хон атарлар,  
Бир иқлим устида султон атарлар.

Нечук келдики туймади халойиқ?  
Анингдек сўзлаким, бўлсун мувофиқ<sup>1</sup>.

Ҳаросон эрди Гул Савсан тилиндин.  
Қатиқ ожиз бўлуб эрди элиндин.

### ГУЛ ГУЛШАНГА КИРАЙИН ТЕБ САВСАНГА АЙТГАНИ

Айитти Гулким, «Эй Савсан, худоро,  
Даме қилгин менинг бирла мадоро.

Ки бу дам кундагидин ўзгача мен,  
Басе ошуфта дилман бу кеча мен.

Ҳузурим йўқ, эрур вақтим мушавваш,  
Бу эмсиз дард этар вақтимни нохуш<sup>1</sup>.

Эриктим бу сафосиз маскан ичра,  
Тиларман сайр қилсам гулшан ичра»<sup>2</sup>.

### САВСАН РУХСАТ БЕРИБ ГУЛ ТОМГА ЧИҚҚАНИ

Айитти Савсан: «Эй ҳури паризод,  
Қадинг сарсабз бўлсун, хотиринг шод.

Хазон елини кўрмасун ниҳолинг,  
Ямон кўздин йироқ бўлсун жамолинг.

Кеча гулшан парилар манзилидур,  
Неким руҳониларнинг маҳфилидур.

Мунингдек (ким), чиқиб кезмоқ не лойиқ?  
Эшитса, кўрса не дегай халойиқ?

Тилар бўлсанг тафарруж, эй дилором,  
Тафарружнинг еридур гўшан бом».

<sup>1</sup> Роҳатим йўқ, вақтим ташвишда, бу давосиз дард вақтимни нохуш қйлади. <sup>2</sup> Шод-хуррам бўлмаган бу жойдан зерикдим, (шунинг учун) гулшан-ни сайр этилгани орзу қиламан.

## НАВРУЗ БИЛА ГУЛ БИР-БИРИН КУРИБ БЕХУШ БУЛГАНИ

Бу сўз бирла Гули худбўйи худрой,  
Буюрди, солдилар том устида жой.

Неча маҳрамлари бирла хиромон,  
Юқори чиқти ул хуршеди тобон.

Кўрарким, Булбули шўридаи маст,  
Суруд айтиб, бўлуб тупроқ била паст.

Иироқроқдин туруб Наврўзи Навшод,  
Қилур ҳар нақшнинг таҳририн иршод.

Бу ҳол ичра кўзиким Гулга тушти,  
Юраги сустайиб, қони қурушти.

Тушундаги ўнгинда кўргач ул шоҳ,  
Анингдек нола бирла урди бир оҳ.

Ки олам ўртана ёзди даминдин,  
Фалак мотам тўнин кийди ғаминдин.

Ҳамул ерда йиқилди зору мадҳуш,  
Яна ондин батар моҳи қасабўш.

Бўйи тупроқ ичинда булғашиб зор,  
Не оғзинда, не кўксинда дами бор.

Кўруб қизлар бу ишдин бўлдилар мот,  
Гулобу ройиҳа келтурдилар бот.

Бири навҳа қилиб бошқа сочиб хок,  
Бири фарёд этиб кўксин қилиб чок.

Бири қонлар ютуб, йиртиб юзини,  
Бири ерга уруб ҳардам ўзини.

Совуқ сувлар сепиб Гулнинг юзина,  
Ки ногаҳ сесканиб, келди ўзина.

Юзиндин гарду тупроғин кеториб,  
Равон уйга кетурдилар, кўториб.

Вале Наврўз анингдек эрди бадҳол,  
Кўз очмади тонг отқинча қолиб лол.

Бошининг устида бечора Булбул,  
Қилиб нолиш била фарёду ғул-ғул.

Гулобу сув сочиб ҳар дам бошиндин,  
Ки йиғлаб чеврулур эрди ёшиндин.

Даме чун шамъи равшантек бўлуб зор,  
Ғаҳе парвонатек ўртаб, ўзин хор.

Тонг отқинча мунингдек бош тутти,  
Басе ғам еди-ю, хуноба ютти.

Кўз очти субҳи дам келди ўзина,  
Юқортин Гул кўрунмади кўзина.

Яна бир оҳ этиб мадҳуш бўлди,  
Дами сўнди, нафас ҳам бўш бўлди.

Бу кез Булбул белини боғлади руст,  
Кўтурди бўйнина Наврўзни чуст.

Чу туш вақтинда куннинг партавина,  
Олиб етти шаҳаншаҳни эвина.

Қўпуб ўлтурди чун Булбулни кўрди,  
Кечаги кечган иш шарҳини сўрди.

Ҳикоят қилур эрди Булбули зор,  
Қонин йиғлар эди Наврўзи афгор.

Гули бечора ҳам савдо ичинда,  
Маломатдин қолиб ғавғо ичинда.

Нечаким десалар, ғавғоси ортар,  
Юраги заъф этиб, савдоси ортар.

Қулоғина кишининг сўзи ёқмас,  
Кўзи ҳайрон бўлиб ҳеч кимга боқмас.

Бирор оҳ урса, тўлғониб ичиндин,  
Чиқар ўт бирла тўлғониб ичиндин.

Бирор йиглаб, улуқ тинса кучониб,  
Димоғиндин келур қон бирла эниб.

## САВСАН ГУЛ ҚОТИНДА ЗОРИ ҚИЛИБ, ГУЛНИ ОВУТА СУЗЛАГАНИ

Келиб Савсан юзин йиртиб паришон,  
Юраги пора-пора, бағри бирён.

Аёгин ўпти-ю, кўп қилди зори,  
Сочиб қон ёши чун абри баҳори:

«Жим, эй Гул, неча ёндурдунг мени сен?!  
Қаро қон бирла қондурдунг мени сен?!»

Ўзунгни куч биле ўлтурмагинг не?!  
Бошимизга бало келтурмагинг не?!»

Тилар бўлсанг кўнгул мақсудини Гул,  
Таҳаммул қил, таҳаммул қил, таҳаммул.

Вужудим кишваринда жон сенингдур,  
Не хидматким десанг, фармон сенингдур

Куюкингни кўруб бир йўли куйдим,  
Ҳаётимни сенинг йўлингга қўйдум.

Сенинг учун неким кўрсам кўройин,  
Агар десанг, ўзумни ўлтуройин.

Кўра билман сенинг дардингни, эй моҳ,  
Чин айтурман мунн валлоҳу биллоҳ».

## ГУЛ ХУШВАҚТ БУЛУБ САВСАННИ НАВРУЗГА ЮБОРГАНИ

Эшитиб Гул бу сўзларни нуҳуфта,  
Ҳам улдам ғунчаси бўлди шукуфта.

Чиройин очти-ю қилди табассум,  
Кулумсаб бошлади бир-бир такаллум.



Уарлар қулди Савсанин фаровон:  
«Ким, эй доя, менинг дардимға дармон.

Жароҳатлиқ кўнгулнинг марҳамисен,  
Бу ҳасрат ичра жоним ҳамдамисен.

Бориб кўргил ғариби бенавони,  
Такаллуф бирла мендин сўргил они».

Айитқил: «Эй вафолиқ меҳрибоним,  
Юрогим қути-ю, жону жаҳоним.

Менинг учун мунингтек зор бўлгон,  
Ғарибу бекасу ғамхор бўлгон.

Кўруб минг ниши хун олуд ҳар дам,  
Кишидин кўрмаган бир лаҳза марҳам.

Нечук сен бу узун йўл эмгакидин?  
Бу эмсиз ишқи беҳосил элиндин?

Бу меҳнатда (ғариб) жонинг нечукдур?  
Эв, элдин бошқа аҳволинг нечукдур?

Ало, эй нозанини нозпарвард,  
Бу кундин сўнгра, ё раб, кўрмагин дард.

Агарчи ранжу меҳнатдин юдодинг,  
Яротқон оқибат бергай муродинг.

Не меҳнат бор анингким, роҳати йўқ?  
Не накбатким, сўнгинда давлати йўқ?

Аларким қилдилар мақсуд ҳосил,  
Бериб жон бўлдилар, жононға восил.

Не фикринг бор, чу билдинг мен сенингмен,  
Не ғам ерман, чу билдим сен менингсен.

Қабул этсанг тобуқчиман камина,  
Тараҳҳум қил тобуқчилар камина».

Мунингтек кўп умидлик ваъда берди,  
Бу сўзлар бирла Савсанин юборди.

## САВСАН НАВРҮЗНИНГ ҚОШИҒА БОРҒАНИ

Равон Савсан қилиб вазъини тағйир,  
Кийиб эски чопон бошдин аёқ кир.

Кўзолдурдук била бир эски чодир,  
Тилогач қилдилар филҳол ҳозир.

Ясаниб Гул қотиндин чиқти дарҳол,  
Қилиб иблис талбисини афъол.

Етиб Булбулни ёлғуз кўрди-ю ул,  
Неким Наврўз ҳолин сўрди-ю ул.

Сифатлар қилди Булбул неча миқдор,  
Ки кўрмай бўлди Савсан ошиқи зор.

Бошина тушкан эмгакларни билди,  
Ешартиб кўзларин кўп раҳм қилди.

Фироқ ўти била Наврўзи бедил,  
Бўлуб кўз ёши ичра пой дар гил.

## САВСАН НАВРҮЗНИ КҮРИБ ГУЛ САЛОМИНИ ЕТКУРҒАНИ

Юруб Булбул хабар қилдиким: «Эй шоҳ,  
Башорат берки, давлат келди ногоҳ.

Саодат юзланиб, меҳнат туганди,  
Қилиб толеъ назар, накбат туганди.

Келиб Савсан ягона Гул қотиндин,  
Саломе келтуруб Гул ҳазратиндин.

Дуолар бирла пайғомин текурсун,  
Ижозат бўлса дийдорингни кўрсун».

Эшитгач ушбу сўз Наврўзи Фаррух,  
Айиттиким: «Зиҳи хуш, юзи фаррух.

Ижозаттур қадам қўйса юзумга,  
Карам қилғай оёқ босса кўзумга».

Кўруб Савсанни сачраб қўпти Наврўз,  
Увулжоғож аёгин ўпти Наврўз.

Алин тутқач, тавозеъ қилди Савсан:  
«Ки шоҳо, камтарин хидматчингизман!»

Адаб шарти билан шоҳи сарафроз,  
Ошурди ҳаддидин икрому эъвоз ...

Тугал еткурди Савсан Гул саломин,  
Айитти шевалик хайрул-каломин.

Қачон Савсан Гул отин ёд қилса,  
Тилар Наврӯзким, фарёд қилса.

Яна сақлар ўзин тадбир бирла,  
Аранг тўқтар туман тағйир бирла.

Не англар, не билур Савсан сўзини,  
Қилур таслим ҳар сўзда ўзини.

### САВСАН НАВРҮЗНИНГ АФЪОЛИН ПИСАНД ЭТГАНИ

Ҳар ишда Савсани пурфанни айёр,  
Шаҳаншаҳнинг қилиғин қилди (изҳор).

Тилогандин тўкуз топти ҳар ишда,  
Чинини англади бир ўлтуришда.

Бор эрди буйда қолғон санг пора,  
Камар, тожу нигин(у) гўшвора.

Не ким мундоқ нимадин ҳозир эрди,  
Борин келтурубон Савсанга берди.

Яна ҳам узр қўлди ул фаровон,  
Ки Савсан ул карамдин қолди ҳайрон.

Дуолар қилди ҳадсиз шоду хушнуд,  
Нечук келганитек ёнди яна зуд.

Гул эрди мунтазир манзар бошинда,  
Тобуқчи бир неча маҳрам қошинда.

Келиб Савсан ҳамул васфи била шод  
Эшитган сўзларини қилди бунёд.

Ука бошлади шаҳаншаҳни Савсан,  
Гули Мушкин борур эрди ўзиндан.

Тугангач сўзни такрор эттуруп боз:  
«Ки мен фаҳм этмадим бошдин қил оғоз!»

Сўрар ҳар бир ҳикоятни мукаррар,  
Эрикмай ул тақи айтур саросар.

Гаҳ ўхшатиб ўпар Савсан кўзини,  
«Ки бу кўз бирламу кўрдунг юзини».

Гаҳи илкин қучар, гоҳи аёгин,  
Гаҳ оғзиндин сўрар кўнгул сўроғин.

### САВСАН НАВРҮЗ СИФАТИН ГУЛ ҚОТИНДА АЙТҚАНИ

Айитти Савсан: «Эй ҳури паризод,  
Агар сен гулсан, улдур сарви озод.

Агар сен гулсан, ул ойдин аридур,  
Ва гар сен ҳурсан, ул худ паридур.

Тўкуз топтим камол ичра жамолин,  
Мукаммал барча ишларда камолин ...

Карам ичра эрур Ҳотам гадоси,  
Берур бир дамда минг жўна баҳоси.

Агар минг жон йўлинда қўйсам оздур!  
Анинг учун жаҳондин тўйсам оздур ...

Неча десам, сифат қилгандин ортуқ,  
Сен андин яхшисен, ул сендин ортуқ.

Илоҳи тенгри қилғай бир латифа,  
Ки топқай бу шарафни ул шарифа».

Гул андоқ қолди бу авсофдин лол,  
Ки бир дам ўзга бўлди ҳолдин ҳол.

Анингдек қилди шаҳаншаҳни таҳсин,  
Ки қизлар қилдилар меҳрини таъйин.

Юзи кўрмай кўнгул олдурдилар пок,  
Бари Гултек яқосин қилдилар чок,

Анингдек этилар барчаси тадбир,  
Ки бир-бирини қовушмай шаҳд бо шир.

Замоне толеи пирӯз бирла,  
Қовушқай Гул магар Наврӯз бирла.

Алар бу фикр ичинда гоҳу бегоҳ,  
Ки кайвон бир ўюн кўргузди ногоҳ.

### **ГУЛНИ КУЧИРМАК УЧУН ХОҚОН ЭЛЧИЛАРИ КЕЛГАНИ**

Замона қасд бирла боғлади бел,  
Тараб шамъин ўчурди фитналик ел.

Магар хоқон этиб Гулнинг хаёлин,  
Тилади сайъ этиб топса висолин.

Неча йилдин бери йиққан хазина  
Неким фағфурдин қолган дафина;

Йипор бирла йипак анбор-анбор,  
Неким турлук гуҳар харвор-хавор.

Мурассаъ қилган атлас улук эвлар,  
Пари янглиқ силиқ бўйлуқ бедовлар.

Не ёлғуз Чину Мочин тангсуқидин,  
Ки барча дунёнинг тангсуқлиғидин.

Йигиб, юклаб туруб юборди борин,  
Эйиб бир неча соҳиб ихтиёрин.

Эшиткач бу хабарни шоҳи Мушкин,  
Қилиб ўтру юборур элни таъйин.

Улуқ тўйлар яроғин қилди дарҳол,  
Ясотиб сеп-сириғ тўктурди кўп мол.

### **ЭЛЧИЛАР ШОҲ МУШКИН БИЛА КУРУШГАНИ**

Таҳаммуллар била борин тузатти,  
Ясоқин тўнқолин ерни тузатти.

Ғули бечора ғофил бу хазондин,  
Ориқ кўнглинда кечмас бу гумондин.

Ки ногаҳ еттилар ул келгувчилар,  
Қизил гулни тикандек илгувчилар.

Ҳақиқат тахти узра шоҳи Фархор,  
Тўра бирла қамуқ элга бериб бор.

Яна хоқони чин элчилари ҳам,  
Умоқдин ҳар бири хоқони аъзам.

Келиб беклар била ўтру турушуб,  
Тўра бирла увулжошиб кўрушуб.

Бурун сўзлаб, сўзин хон ҳазратинда,  
Кўруб, кўргуздилар султон қотинда.

Увулжоб, ер ўпуб, қуллуқ қилиб арз,  
Дедилар: «Эй тобуғинг дунёга фарз.

Не хоқонким, сизинг бир камтарин қул,  
Қилиб иқболингиз бирла тафаъул.

Тиларким, бўлса бу икки улус бир,  
Қилур ул черкадин ҳазратта тақрир;

Ким Ой бўлса муқорин Муштарига,  
Азимат қилса Чўлпон ўз ерига ...

Қамуқнинг устида улдур диёнат  
Ким, ўз ҳақдорини етса амонат».

Тугангач сўз чекилди пешкашлар,  
Неким кирмас, ичи тўлди саросар.

Оғирлаб элчиларни шоҳ Мушкин  
Қўналға ерларини қилди таъйин.

Шиғовуллар қўйиб эъзоз бирла,  
Оғирси қилди иззу ноз бирла.

Ҳарамга кирди маснаддин қўпуб шоҳ,  
Равон Савсанни индаб қилди огоҳ.

## САВСАН ХОҶОНИ ЧИН ЭЛЧИЛАРИНИНГ ХАБАРИН ГУЛҒА АЙТҚАНИ

Бўлуб Савсан бу сўздин лолу хомуш,  
Келиб Гул ҳазратинда зору мадҳуш.

Дами чиқмай маломатдин паришон,  
Аё билмай ҳаётиндин пушаймон.

Кўзи тушмаски боқса Гул юзина,  
Дариндурким, пичоқ урса ўзина.

Чу ул ҳолат била кўрди ани Гул,  
Ериндин қўпти бесабру таҳаммул.

Анингдек чирқираб сесканди ногоҳ  
Ким, ул теградаги эл бўлди огоҳ.

Тутуб ул дам тиши, тирноғи бирла,  
Титаёзди тўни уброғи бирла.

Айитти Савсан: «Эй жону жаҳоним,  
Сенинг учун фидо бўлсун бу жоним.

Тилим кескин, чиқаргин кўзларимни,  
Эшитмагин паришон сўзларимни.

Не айтайин, не дейин, не сўрарсен,  
Бу сир, ёлғуз юзумни не кўрарсен.

Не оғзимга сиғар бу сўз, не тилга,  
Ки беҳад ўт тушубтур жону дилга.

Сени хоқонки тахти тўнгтарулсун,  
Тилайдурким, тириклиги турулсун!»

## ГУЛ ХОҶОН ЭЛЧИЛАРИНИНГ СЎЗИН ЭШИТИБ ПАРИШОН БУЛҒАНИ

Эшитгач Гул яқосин чок қилди,  
Айитган оғзини пурхок қилди . . .

Замоне сустайиб масруълартек,  
Даме йиглар гадои дарбадартек.

Юзи гул баргитек сўлди ғам ичра,  
Йил оғриганча бўлди бир дам ичра<sup>1</sup>.

## БУЛБУЛ ЭЛЧИЛАР КЕЛГАНИНИ ЭШИТГЕНИ

Эшитиб Булбули мискин бу ишни,  
Унутти ҳам туриш, ҳам ўлтуришни.

Бу кез бўлди ўлумга орзуманд,  
Ҳаётиндин бакуллий узди пайванд.

Фалак даврина лаънат қилди бисёр,  
Жаҳондин кесди умминдин баякбор.

Таважжуҳ этти Гулнинг ҳазратина,  
Юруб етти равон Савсан қотина.

## БУЛБУЛ САВСАНДИН КАЙФИЯТИ ҲОЛ СЎРҒАНИ

Кўрушгач бир-бирин ул икки ҳамдard,  
Фиғонлар бирла урдилар дами сard.

Хабар сўрмоға Булбул оғзи бормас,  
Таҳайюр бирла Савсан худ дам урмас<sup>2</sup>.

Бири-бирин кўруб қон ёш сочарлар,  
Бирор лаҳза кўнгул розин очарлар.

Бу ҳолатда Гули пажмурда аҳвол,  
Қўпуб Савсан эвина келди дарҳол.

Кўруб Савсан яна Булбулни андоғ,  
Яна бўлди бу кез доғ устида доғ.

## ГУЛ БУЛБУЛ (ДИН) НАВРУЗ ҲОЛИН СЎРҒАНИ

Анга сўрди: «Нечукдур ул ғарибим?  
Муҳибдин ёд этарму ул ҳабибим?

Сезибмудур бу дармонсиз балони?  
Соғинурму бу мискин мубталони?

---

<sup>1</sup> Бир дам ичида бир йил касал тортгандек бўлди.

<sup>2</sup> Савсаннинг ўзи ҳайрон қолиб, нафасини чиқармас эди.



Фалакнинг жавридин ҳоли нечукдур?

Бу мотам ичра аҳволи нечукдур?

Рафиқи бормудур меҳнатдин<sup>1</sup> ўзга?

Кўрарму ҳеч нима заҳматдин ўзга?

Қўп, эй Булбул, ҳикоят вақти эрмас,

Маҳал йўқтур, шикоят вақти эрмас.

Замон нозик турур, фурсат ғанимат!

Бу бир соат эрур муҳлат ғанимат . . .

## ГУЛ БУЛБУЛНИ НАВРҶЗНИ ИНДАГАЛИ ЮБОРҒАНИ

«Бориб келтургин ул сарви равонни,

Равоним роҳати, жони жаҳонни.

Бирор дам сўзлашולי дарду ғамни,

Енгилтоли бу дармонсиз аламни!»

Қўпуб Булбул паришону мушавваш,

Кўзи пур об, ўлур жони пур оташ<sup>2</sup>.

Аёқдин бош қилиб афтону хезон,

Борур эрди ўз-ўзиндин гурезон.

## НАВРҶЗ ХОҚОНИ ЧИН ЭЛЧИЛАРИНИНГ КЕЛГАНИНИ ЭШИТИБ НОЛИШ ҚИЛҒАНИ

Бу етмасдин бурун Наврўзи мискин,

Эрикиб ҳужрасиндин чиқти ғамгин:

Кўрарким сўзлашур бир неча бадбахт;

Ки: «Гул боғлади Фархор элидин рахт».

Фаровон рахт этибтур хисрави Чин,

Юборсун қизини, деб шоҳ Мушкин.

Бу ҳолатни эшитти эрса Наврўз,

Чиқарди жонидин оҳи жигарсўз.

Ениб уйга, тўн ўброғин қилиб чок,

Ўзин ерга уруб, бошқа сочиб хок.

---

<sup>1</sup> Бу ўринда «меҳнат», «заҳмат» сўзлари «машаққат», «қайғу», «ташвиш» маъноларида ишлатилади. <sup>2</sup> Кўзи тўла ёш, жони тўла ўт (олов).

Қилиб кўксин анингдек пора-пора,  
Ки ўхшатиб эди барги чинора.

Замоне қилди ўз дардин ҳикоят,  
Даме ўз бахтидин қилди шиқоят.

Гаҳе қилди фалак жаврини тақир,  
Гаҳе этти баҳона дасти тақдир.

Бу дард устунда дармондин тўнгулди,  
Жаҳондин тўйди-ю жондин тўнгулди.

Улумни ҳуш қилиб ҳижрон элиндин,  
Сўвурди ханжари буррон белиндин.

Дарин эрдик, бағрин чок қилса,  
Юрагини чиқориб пок қилса . . .

### **БУЛБУЛ НАВРЎЗНИ БОРИБ ГУЛ СУҲБАТИНДА ИНДАГАНИ**

Ки ногаҳ телбалардек етти Булбул,  
Элин тутғач хуруш этию гул-гул:

«Ки эй золим, бу ноинсофликтур,  
Яратқонга таваккал қил, тек ўлтур ...

Таҳаммул қил, эшит мендин насиҳат,  
Қўп охир, тут бу фурсатни ғанимат.

Эрур Гул суҳбатингга орзуманд,  
Бу хори ҳажр ичинда сабр то чанд?!»

Чу бу ҳуш муждани Наврўз эшитти,  
Қадам бошдин қилиб бош бирла етти.

### **ГУЛ САВСАН ЭВИНДА НАВРЎЗ БИРЛА КЎРУШГАНИ**

Кириб Савсан қошинда шоҳи Навшод,  
Ер ўпти бандатек ул сарви озод.

Кената пардадин юз кўргузуб Гул,  
Эсурди кўргач ул Наврўзи бемул.

Ул андин нолалар бирла хиромон,  
Бу ҳам мундин фироқ ўтинда бирён.

Евуқлашиб қучишти икки дилдор,  
Топишиб бир замон васл ичра дийдор.

Фалак, ё раб, нечукдин бўлди ғофил,  
Ки тушти икки ёр андоқ муқобил.

Бўлуб бир лаҳза ҳамзону ҳамдўш,  
Рафиқи ҳамнишин, ҳамдам, ҳамоғуш.

Арода ғамзалар ҳаммозлиқда,  
Карашма шева даст андозлиқда!

Даме Наврўз эли Гулга ҳамойил,  
Замоне Гул тақи Наврўзга мойил.

Мусоҳиб икки дилдори мувофиқ,  
Не ағёр анда ҳозир, нем мунофиқ.

Мунингтек бир замон ҳамрозликда,  
Кечурдилар даме дамсозликда.

Кўтармай кўз бири-бирнинг юзиндин,  
Қурумас ёш иккисининг кўзиндин.

Арода Булбулу Савсан жигархун,  
Оқизиб кўзлариндин руди Жайхун<sup>1</sup>.

## САВСАН НАВРУЗДИН ШАРҲИ ҲОЛ СУРҒАНИ

Айитти Савсан: «Эй шоҳи жаҳонбахт,  
Кулоҳинг тож бўлсун, маснадинг тахт.

(Муро)дингиз гули ошуфта бўлсун,  
Ҳасудинг бахти доим хуфта бўлсун.

Эшитинг бўлғай охирким, замона  
Не ўйин ангез қилди ғоибона.

Нечук ўртади Гулнинг хирманини,  
Не турлук паст қилди гулшанини.

Бу дамки қўпти фитна тундбоди,  
Недур билсак шаҳаншаҳнинг муроди».

---

<sup>1</sup> Руди Жайхун — Амударёнинг қадимги номи.

## НАВРУЗ УЗИНИНГ ЧИН ЭЪТИҚОДИНИ БАЕН ЭТИШИ

Деди Наврӯзи: «Эй Савсан, тек ўлтур,  
Манга бу сўзни сўзлагунча ўлтур.

Саботек бу чаман фаррошидурмен,  
Не ерга борса, Гул йўлдошидурмен.

Қилиб якрўя дунёдин ишимни,  
Қўйибдурмен аёғина бошимни.

Мени манъ этмангиз, кирманг қонимга,  
Гар ўлсам йўлида миннат жонимга.

Унутсангиз мени бўлмасму охир?!  
Ғарибқа раҳмингиз келмасму охир?!

Тиласун, гар тиламасун мени Гул,  
Қулидур (мен) бўлинча тупроғим кул.

Мен ул менким, аёғининг изимен,  
Агар ўлсам, бўсоғоси тўзимен.

Илик мендин ювунг, эй меҳрибонлар!  
Жонимдин не тиларсиз, эй фалонлар!»

## ГУЛ НАВРУЗНИНГ ЧИН ЭЪТИҚОДИНИ АНГЛАБ ҲИКОЯТ ҚИЛҒАНИ

Эшитиб Гул бу сўзни шод бўлди,  
Бакуллий қайғудин озод бўлди.

Тутуб Наврӯз юзин ўптиким: «(Эй) шоҳ,  
Менинг сирримдин эмди бўлгин огоҳ.

Агар сен қилмас эрсанг мендин ўзга,  
Менинг бори кимим бор сендин ўзга.

Юз эвирсанг, тоғи мен юз чевурман,  
Ғамингдин бошқа, биллоҳким, дам урман.

Гар эр бўлсанг, мени бу ғамда қўйма.  
Қадам тортиб, мени мотамда қўйма.

Чу сўйд эттинг кийикни, билгин, эй дўст!  
Бўғулиб ўлмасун, бисмил қил, эй дўст! ..

Сенинг бирла тамуғ хулди бариндур,  
Биҳиштим сенсизин таҳтус-сариндур.

Ушул тенгри ҳақиқим, жон яратти.  
Ҳамул васлу, ҳамул ҳижрон яратти.

Ризо бердим неким бўлса яроғинг,  
Бошимдур андақим бўлса аёғинг.

Бериб ўз ихтиёримни қўлунгға,  
Бошимни мен қўюбдурмен йўлунгға».

Бу сўз устинда кўп онт ичти ул моҳ,  
Кўнгул тиндурдию қўпти шаҳаншоҳ.

Тоғиб бир-бирининг кўнглин мувофиқ,  
Тасалли топтилар ул икки ошиқ.

## ШОҲИ МУШКИН ХОҚОНИ ЧИН ЭЛЧИЛАРИНИ ИЖОЗАТ БЕРИБ ГУЛНИ КЎЧУРГАНИ

Чу боди субҳ бунёд этти парвоз,  
Қаро қузғун ҳазимат қилди оғоз<sup>1</sup>.

Фалақдин меҳри анвор бўлди толеъ  
Қоронғулуқни кўздин қилди рожеъ<sup>2</sup>.

Азимат қилди Мушкин ўз ерина,  
Ижозат берди Чин элчиларина.

Буюрди, йилқичи йилқи кеюрди,  
Такаллуфлар била Гулни кўчурди.

Гули ҳужранишин боғлади маҳмил,  
Узотиб ёнди Мушкин неча манзил.

## ГУЛ КЎЧГАНДИН СЎНГ НАВРЎЗ КЎЧИНИ ЭРИШГАНИ

Қилиб Наврўз ҳам азми мусаммам,  
Равон Чин мулкина юз қўйди ул ҳам.

<sup>1</sup> Тонг шамоли парвоз қилди, қоронғилик (қаро қузғун) орқага чекина бошлади. <sup>2</sup> Осмондан қуёш нури кўрина бошлади, қоронғиликни кўздан қайтарди.

Жаҳондин мутлақ озод эрди кўнгли,  
Кўч эришмоқ била шод эрди кўнгли.

Не ергаким қўнуб Гул, кўчса ондин,  
Ювар эрди сиришки бирла қондин.

Не йўлдинким гузар қилса буроқи,  
Терар эрди изи тўзин қароқи<sup>1</sup>.

Кеча-кундуз хаёли бирла ҳамроҳ;  
Иши, кўчи бу эрди гоҳу бегоҳ.

## НАВРУЗ БИЛА ГУЛ КЕЧА ҚОЧҒОНИ

Чу етилар ёвуқ Чин сарҳадина,  
Шаҳаншаҳ келди Гулнинг маснадина.

Жаҳон эрди анингтек тийрау тор,  
Ки, на юлдуз, на ой эрди падидор.

Булут кўкраб, ёшин ёшоб, эсиб ел,  
Буротиб қор ёғиб, ёмғур этиб сел.

Тушуб ҳар бир киши бошлиқ бошина,  
Қориндош боқмас эрди қардошина.

«Яроғ улдурки отлансақ бу шабгир,  
Қилиб бошдин аёқ тўнларни тағйир.

Қочиб Фархор иқлиминдин ошсақ,  
Бориб Навшод мулкани толошсақ».

Ризо берди Гули Мушкин бу сўзга,  
Бурунқи аҳдини қилмади ўзга.

Уёту ному нангин кўзга илмай,  
Отоси тожу тахтин жавча билмай.

Кўтариб кўнглини барча жаҳондин,  
Ювуб мутлоқ иликларини жондин.

<sup>1</sup> Унинг учар оти қайси йўлдан ўтса, унинг изидан кўтарилган чангни кўз қорачиғи билан териб оларди.

## НАВРҮЗ БИРЛА ГУЛ АҲВОЛИ ҒАРИБЛИКДА

Юрак беркитти дарду сўз бирла,  
Ясониб тебради Наврўз бирла.

Улуқ йўлдин чиқиб икки вафодор,  
Қўйиб тоғларга юз нокому ночор.

На юлдуз борки, бир-бирин жўруса,  
На ой бордурки, ойдинда юруса...

Агар дарё йўлуқса юздурурлар,  
Ва гар ўт урулса ёнмай юрурлар.

Йўлуқур ногихон андоқ давонлар  
Ким, устинда йитинур осмонлар.

Нечук бўлса чиқиб ул икки дилхоҳ,  
Ёпушуб ёрманур бар роҳу бериҳ.

Гаҳ ўрлаб чарх сақфина минарлар,  
Гаҳ энишлаб ети ердин энарлар<sup>1</sup>.

Бу ҳолат бирла икки-уч шабу рўз,  
Сув ичиб сурдилар Гул бирла Наврўз.

На очмоқдин, на ормоқдин хабардор.  
На ётмоқ, на уюмоқни талабгор ...<sup>2</sup>

### НАВРҮЗ БИЛА ГУЛНИНГ ОТЛАРИ ҲОРИБ ТУШКАНЛАРИ

Иков бир-бирининг васлин қилиб қут,  
Яроша ёндошиб чун дурри ёқут.

Юдоғондин кўлуклар қолди эсдин,  
Толиб бекор бўлдилар юришдин<sup>3</sup>.

Тушубон бир қиё бағринда бир дам,  
Тиноли дедилар ул икки ҳамдам<sup>4</sup>.

<sup>1</sup> Гоҳ «юқорига кўтарилиб, осмоннинг гумбазига минадилар, гоҳ «янгашиб, етти ердан пастга тушадилар. <sup>2</sup> Улар на очликдан, на чарчашдан хабардор, на ётишни, на уклашни талаб қиладилар. <sup>3</sup> Ҳолсиз бўлиб қолганликларидан от-улов ҳам эсдан чиқди, толиб қолганликларидан юролмадилар. <sup>4</sup> «Қиё» сўзи хилма-хил маънода ишлатилади: «қирра», «уч» маъно-

Бири-бирнинг тизина бош қўюшиб,  
Уюдилар аёқлари уюшуб.

Бу ҳолатда аларни уйқу бости,  
Фалак сепоя топти, суфра ости<sup>1</sup>.

Кената қилди бир бозича ангез,  
Янги бошдин яна бошлади хунрез.

## НАВРЎЗ БИЛА ГУЛ ЯЛДОНИИ ЗАНГИ ЭЛИНДА ГИРИФТОР БУЛГАНИ

Бор эрди анда бир зангийи хунхор,  
Зухалдин наҳсроқ, Миррихи кирдор.

Урининда ичиб қон қонмағувчи,  
Ёнар ўтдин юз уриб ёнмағувчи.

Оти Ялдо, юзи ялдо тунитек<sup>2</sup>,  
Кўзи дўзах, бўйи маҳшар кунитек.

Ани қўймиш бу сарҳадларда хоқон,  
«Ки сўрмасмен агар қилсанг туман қон».

Ўзитек бир неча занги била ул,  
Қоровуллаб юруб соқлар эди йўл.

Кўруб ногаҳ Гулу Наврўз изини,  
Ясаниб издади ёзи юзини<sup>3</sup>.

Ётиб ўтқонларини кўргач ул дам,  
Ётур ерда тутуб боғлади маҳкам.

Кўз очти эрса ул икки дилором,  
Кўруб ўзларини бе дона дар дом<sup>4</sup>,

---

сида, «қиё боқмоқ» — «кўз учи билан қарамоқ, боқмоқ» маъносида ишлатилади, бу мисрадаги «қиё бағринда» бирикмаси, «ён бағир» маъносида ишлатилади, яъни бу икки дўст (Гул билан Наврўз) энг огир йўл—ён бағир (қиё бағир)га тушиб, бир оз дам олмоқчи бўладилар. <sup>1</sup> Шу аҳволда уларни уйқу босди, осмон буларни кўриб қозон осди, дастурхон ёзди.

<sup>2</sup> Ялдо туки—қишнинг энг қоронги ва энг узун кечаси. Бу ўринда Ялдониинг юзини шу кечага ўхшатилаётир. <sup>3</sup> Бирдан Гул билан Наврўзнинг изига кўзи тушиб қолди, чўлнинг юзи бўйлаб, уларнинг изидан қидириб кетди. <sup>4</sup> Гул билан Наврўз ўзларини донсиз тузоқда кўрдилар.



Юқори боқсалар Ялдойи хунхор,  
Туруб бу ҳамчу тайри одамихор.

Салом этти равон Наврӯзи Навшод,  
Тавозеъ бирла қилди офарин ёд.

Тутуб Ялдо ўзин хоқони Чинтек,  
Не хоқонким, шаҳи рӯйи заминтек<sup>1</sup>.

Булар ўтру юкуниб хастау зор,  
Ёзуқлуқлар киби икки гирифтор<sup>2</sup>.

Салобат бирла ул бераҳми кофир,  
Аларнинг шарҳи ҳолин сўрди бир-бир.

## НАВРҶЗ БИЛА ГУЛ АҲВОЛИН ЯЛДОҒА АЙТҚАНИ

Дуолар қилди-ю ер ўпти Наврӯз:  
«Ки бўлгин доимо мансуру фируз.

Бўлунлуқ биз асир тушган кичикдин,  
Кўтариб сотдилар уч-тўрт эшикдин<sup>3</sup>.

Бегимизнинг маҳолин торта билмай  
Қочиб келдук жафоға сабр қилмай.

Қулунгбиз, не уқубатким қилурсен,  
Ва гар қилсанг мурувват, сен билурсен».

Аларни банд этиб бераҳм Ялдо,  
Юборди банда деб, хоқон қотиндо ...

## НАВРҶЗ БИЛА ГУЛНИ ЯЛДО ХОҚОНҒА ЮБОРҒОНИ

Гул учун мунтазир хоқон шабу рӯз.  
Ки етти ногихон Гул бирла навруз

Париларнинг илики, бўйнидур банд,  
Нечукким, ул тунг ичра боғлапул қанд.

<sup>1</sup> *Шаҳи рӯйи заминтек*—ер юзининг подшоҳидек. <sup>2</sup> Чарчаган, хор-зор бўлган бу икки гуноҳкорлар бандий шахслар каби ҳурмат билан бошларин эгиб, тиз чўкиб, уни қарши олдилар. <sup>3</sup> Бизни болалик чоғимиздан асир қилиб олиб, икки-уч уйга сотдилар.

Кўруб хоқон анингдек бўлди хуррам,  
Ки ўртангай эди кўрмаса бир дам.

Вале хонларнинг ойини ул эрди,  
Не ойин, балки худ дини ул эрди.

Неким яхши тобуқчи тушса, ногоҳ,  
Эёр эрди бурун бутхонаға шоҳ.

Неча муддат қилур бутлар тобуғин,  
Топинурлар эди хонлар тобуғин.

### ХОҚОН НАВРҲЗ БИЛА ГУЛНИ БУТХОНАҒА ЮБОРҒОНИ

Билиб келтургучидин барча аҳвол  
Ешиб бутхонаға юборди дарҳол.

Кўруб раҳбон ўшул икки санамни,  
Неким бутхонаға урди раҳамни.

Юз эюргач қамуқ бутлардин ул пир.,  
Ҳамул дам қибласини қилди тағйир.

Кўруб ўз бутларини бозгуна,  
Аларнинг кўркидин олди намуна.

Буту бутгар недур, бутхона кимдур?  
Агар бут ул менинг севган бутумдур...

### НАВРҲЗ БИЛА ГУЛ ҚОҶАНДАН СУНГРА ХОҚОН ЭШИТИБ ЎЛҒОНИ

Ушул оқшомки Гул Наврўз бирла,  
Қочиб тебрадилар минг сўз бирла.

Тонг отқанда қиёматнинг тонгитек,  
Келиб кўрмадилар Гулни паритек.

Тилаб топмадилар ўн кунча ўркаб  
Ҳалоҳил оғуни қоғазға чуркаб<sup>1</sup>.

<sup>1</sup> Утқир заҳарни қоғозга ўраб, (Гулни) ўн кун қидирсалар ҳам тополмадилар.

Юбордилар битик<sup>1</sup> хоқон қотинда  
Висол уммидини хоқон қотинда.

Уқутурғач ўшул битикни хоқон,  
Битиктек тўлганиб буткарди фармон.

### ХОҚОН УЛГАНДИН СЎНГРА НАВРЎЗ БИЛА ГУЛ ҚОЧҚАНИ

Бу кез Чин зулфи чинитек топиб чин,  
Ешилди ҳалқаси, сачради парчин.

Неким тўшлуқ тўшинда тушти ошўб,  
Сари шамшир бўлди бар сари чўб.

Кишининг қолмади парво кишидин,  
Бўлуб барча пушаймон ўз ишидин.

Гули Фархорию, Наврўзи Навшод  
Эшитиб бўлдилар бечоралар шод.

Сужуд этиб дедилар: «Эй яратқан,  
Ёмонларни карам бирла ер этқан.

Хатомиз йўқ, гуноҳ ҳам мундин ўзга,  
Ки билмасмиз яратқан сендин ўзга».

Қочиб чиқмоға қилдилар азимат,  
Билибтилар бу фурсатни ғанимат.

Тиниб турмай аёғи борғанинча,  
Бош олиб кеттилар борғанларинча.

### НАВРЎЗ БИЛА ГУЛ ДЕВЛАР МАНЗИЛИГА ЕТГАНИ

Йўл устинда йўлуқти бир қулотуз,  
Томуқнинг ҳовия тўзинча тўққуз<sup>2</sup>.

Ичинда бир қоронғу қийрдин эв,  
Ясаб санъат била тазвирдин дев<sup>3</sup>.

---

<sup>1</sup> «Битик» сўзи бу ўринда «хат», «нома» маъносида ишлатилади.

<sup>2</sup> Йўл уетида чанг-тўзон билан чуқурликка йўлиқдилар, бу чуқурлик тубсиз, дўзахга ўхшаган тўққиз қават. <sup>3</sup> Ҳалиги чуқурлиқнинг ичида қоп-қоронғи бир уй кўринди, бу уйни дев ўзининг ҳийла-макри билан санъат-корона беазаган эди.

Чу йўқ эрди рамақдин ўзга танда,  
Етиб шаҳзодалар тиндилар анда.

Кечага барча девлар келдилар пок,  
Қатиқ бадманзару барчаси бебок.

Тонг отқунча қилурлар эрди жавлон,  
Тонг отқач чун муаззин тузди алҳон.

Қочиб тенгри отининг иззатиндин,  
Кетурлар эрди қўрқуб ҳайбатиндин.

### НАВРУЗ БИЛАН ГУЛ ШАЙХИ НАЖДИЙ ЛАНГАРИГА ЕТГАНИ

Яна шаҳзодалар тўқтамай онда,  
Қочиб кеттилар андин бир замонда.

Насиҳатгўй зоҳидлар ерина,  
Ягона шайхи Наждий лангарина.

Эшикдин ўтру чиқди бир азозил,  
Муҳаққақ лойиқи тайран абобил.

Иликларин тутуб эвга кижурди,  
Бориб меҳмон учун суфра кетурди.

Не суфра, арпа ўтмоки била сув,  
Дегайсанким, эрур оғриққа дору.

Аранг қўйди эса тотмоғи фурсат,  
Тотар-тотмасда йиғди суфрани бат.

Сўруб, онглаб алар ҳолини бир-бир  
Бурун зоҳид қотинда қилди тақрир.

Ғариблар чун едилар моҳазарни,  
Чу шайх онглаб эди барча хабарни.

Қиёс устинда бошлади каромат,  
Қиёси йўқ этти зуҳду томат.

Ўзотиб қалб сўзларини бир қур,  
Ешиб Гулдин қабо, Наврўздин қур<sup>1</sup>.

Чу кўрди хилватинда шамъи шоҳид  
Тамаъ бозорини тез этти зоҳид.

Гулу Наврўз алар феълени онглаб,  
Фусуну сеҳру тазвирини тонглаб.

Дедилар: «Қочти бир лоҳавлдин дев,  
Бани одам била лоҳавлдин дев.

Юрутти дев уза ҳукмин Сулаймон,  
Мунингтекларни қилмади мусулмон.

Бу йўл озғурғувчи кўргызса талбис,  
Ажаб йўқтурки йўлдин озса иблис!»

Қилиб парҳез аларнинг суҳбатиндин,  
Парилар кеттилар шайтон қотиндин.

## ГУЛ БИЛА НАВРЎЗ КЕМАГА КИРҒАНЛАРИ

Кемага кирдилар икки дилором,  
Бўлуб дарёнишин ночору ноком.

Чу Наврўзу Гули Мушкини Фархор  
Тенгизга кирдилар чун дурри шаҳвор.

Бирорта мавж уриб дарёи пуршўр,  
Қилур эрди жаҳаннам қаърина зўр.

Бирорта кемаларни чайқабон ел,  
Ювар эрди Зуҳал ўз юртидин эл.

## НАВРЎЗ БИЛА ГУЛ АҲВОЛИ ТЕНГИЗ ИЧИНДА

Мунингтегда ул икки ёри ҳамдам,  
Кунинча рўбарў бо ҳасрату ғам.

---

<sup>1</sup> Бу мисраларда «қур» сўзи икки маънода ишлатилади: биринчи мисрадаги «қур» сўзи «вақт» маъносида (қалбаки сўзларни бир неча вақт (қур) (сўзлади), иккинчи мисрадаги «қур» сўзи «ўрама белбоғ» маъносида ишлатилади (Гулниинг уст кийимини, Наврўзнинг белбоғ (қур) ини ечиб олди).

Қони қайнар тенгиздин фикр қилмай,  
Азиз жон хавфини бир жавча билмай.

Била бўлса ики ёри вафодор,  
Сув олса дунёни не қайғуси бор.

Не манзилдаки бўлса ишқ ҳамроҳ,  
Ҳақиқат Миср тахтинча эрур чоҳ.

Не бўлдим, муҳаббатдур қуловуз,  
Не меҳнат кўрунур, не ғам қўяр юз.

Агар топса Фаридун давлатини,  
Унутмас ул балонинг лаззатини.

Бу давлаттин ҳасад этиб замона,  
Яна ангез қилди минг баҳона.

Фалак жаври ду аспа қилди таъжил,  
Кўз очқунча сени ҳам қилди табдил.

### ТЕНГИЗ МАВЖ УРУБ, ГУЛ ВА НАВРУЗ ТАХТА ПОРАДА ҚОЛҒАНИ

Мухолиф ел қўпуб чайқалди дарё,  
Қиёматдин қатиқ кун бўлди пайдо.

Булут кўкраб, яшин андоқ чақилди,  
Ки дарё нафттек ўтқа ёқилди.

Дегайсан чолди Исрофил сурун,  
Ва ёхуд очтилар тўфон танурун.

Бор эрди ул тенгизда бир улуғ тоғ,  
Кўрарга Қоф тоғиндин улуғроғ.

Кемаларни эгириб даври пуртоб,  
Урундурди қиё бағринда гирдоб.

Қадоқлар сачради ерлик ериндин,  
Узулди тахталар бири-бириндин<sup>1</sup>.

---

<sup>1</sup> Булут қаттиқ гулдураб, яшин шундай чақнадики, дарё худди нефтга ўхшаб ёнди. Шу денгизда бир улуғ тоғ бор эди, бу тоғ Қоф тоғидан катта-роқ эди. Бу ердаги гирдоб кемаларнинг учини тоққа уриб юборарди. Кемалардаги михлар ўз еридан сачраб чиқиб кетди, кемаларнинг тахталари бир-бириндан узилиб кетди.

## НАВРЎЗ БИЛА ГУЛ БИР-БИРИНДИН БОШҚА ТУШКАНИ

Бу кез ҳар бири тушти бир канора,  
Тутуб ҳар бириси бир тахта пора.

Айирди бир-бириндин ул ики ёр,  
Анингтеклик била ул мавжи хунхор.

Фалакнинг мундин ўзга не иши бор,  
Ки бир нўш ўрнида юз минг ниши бор.

Фалакнинг ихтиёри андоқ эрди,  
Ки ҳар бирини бир сори юборди.

Қазодин тенгри тақдири била Гул,  
Борур эрди қилиб сабру таваккул.

Не Гул Наврўз аҳволиндин огоҳ,  
Не Наврўз эрди Гул ҳолиндин огоҳ.

Мадад қилди иноят бодбони,  
Йироқ ташлади ул игримдин они ...

## ГУЛ ТЕНГИЗДИН ЧИҚҚАНИ

Бу кунлар ғавс вақти етмиш эрди,  
Адан султони сайтин этмиш эрди.

Этиб Жавҳар деган хожасаройин,  
Анга солди неким тадбиру ройин.

Уғон тақдиридин бу сўзи ғаввос,  
Тенгизда топтилар бир гавҳари хос.

Топиб ойтек юзи кун тобидин тоб<sup>1</sup>,  
Тутуб кўзлари ёш ўрнида хуноб<sup>2</sup>.

Пароканда бўлуб гесуи мушкин<sup>3</sup>,  
Ниҳоли арғувонтек, сарви сиймин<sup>4</sup>.

---

<sup>1</sup> Ойдек юзи куннинг нуридан товланар эди. <sup>2</sup> Кўзлари ёш ўрнида ҳон тўқади. <sup>3</sup> Еқимли ҳид билан тўлган сочи пароканда бўлди. <sup>4</sup> Қизил гул ниҳолидек, кумуш сарвдек.

Кўруб Жавҳар бу қимматлик гуҳарни,  
Кўзундин солди барча инжуларни<sup>1</sup>.

## ГУЛ УЗ АХВОЛИН ЖАВҲАРҒА АЙТҚАНИ

Ҳамул соатки Жавҳар Гулни кўрди,  
Тамаллуқлар била ҳолини сўрди.

Айитти Гулки: «Чин шаҳзодасимен,  
Ва лекин барчанинг афтодасимен.

Тутар эрдим йигитлар бирла суҳбат,  
Қилиб дарё юзинда айшу ишрат.

Кеча бирла кената қўпти бир ел,  
Ки ювдуқ барчамиз бу дунёдин эл<sup>2</sup>.

Узулди елкану қолмади лангар,  
Будурким, сўзладим ҳолим саросар.

Сиз айтинг эмдиким, бу ер не ердур?  
Бу ернинг подшоси қайси эрдур?»

Айитти Жавҳар: «Эй фағфурзода,  
Адан дерлар мунти, билгин кушода.

Бу ердин Чинга, эй маҳдум андоқ,  
Юрушур корвон бир йилда онжоқ».

Ҳамул дам келтуруб шоҳона хилъат,  
Маликона фаровон зебу зиннат.

Нисорафшон қилиб кўп дурру жавҳар,  
Оғирлади фаровон Гулни Жавҳар.

Беш-олти кун қилиб айшу танаъум  
Арода кечти кўп турлук такаллум.

---

<sup>1</sup> Жавҳар бу қимматли гуҳарни кўргандан сўнг, барча инжуларни назар-  
эътиборга олмади. <sup>2</sup> Кечаси бирдан қаттиқ шамол кўтарилди, ҳаммамиз  
бу дунёдан қўл ювдик (дунёдан умид уздик).



## ГУЛ НАВРЎЗ УЧУН ҚАЙҒУРҒАНИ

Кеча бўлғач Гули Мушкини ғамнок,  
Қилур ҳижрон элиндин пираҳан чок.

Типирчилар чу мурғи нимбисмил,  
Ўз-ўзи бирла сўзлашур ғами дил<sup>1</sup>.

Бирортаким қилур Наврўзни Гул ёд,  
Юрагиндин чиқорур оҳу фарёд.

Юзини ерга суртуб йиғласа зор,  
Неким учқан, югурган қон йиғлор.

Чу Жавҳар қилди ишларни саранжом,  
Аданқа юзланиб боғлади ихром.

Бор эрди икки йўл ондин Аданқа,  
Ки мушкул эрди топмоқ бошлаганқа.

Биринда арслонлар ошёни,  
Яна биринда аждарҳо макони.

Қатик бадваҳм йўллар бу сифатлиқ,  
Кеча билмас эди ондин юз отлиқ.

Мукаммал бўш этиб Жавҳар элини,  
Иироқдин тўлғана солди йўлини.

Ғажорчи бошлар эркан саҳв этмиш,  
Юруб арслони бор йўлга қотилмиш.

Тонг отқач кўрди Жавҳар, қолди ҳайрон,  
На ўтмоққа ва на ёнмоға имкон.

## ГУЛ АРСЛОН УЛТУРГАНИ

Келар тўш-тўшдин арслонлар хуруши,  
Мушукдек бўлди барқа жиббаўши.

Тилади теграга қоздурса хандоқ,  
Гули Мушкин аларни кўргач андоқ.

---

<sup>1</sup> Чала сўйилган қушга ўхшаб типирчиларди, дилдаги ғам тўғрисида ўзи билан ўзи сўзлашарди.

Айитти: «Тебрамай маҳкам турунгиз,  
Яратгон тенгри сунъини кўрунгиз!»

Ки ногаҳ бир бўлак арслон қазодин,  
Булуттек кўкрашиб чиқти ародин.

Гул ул дам қамчилаб илгари чиқти,  
Ики-учин бирор ўқ бирла йиқти.

Кўруб арслонлар ул арслон йиқар шаст,  
Бари бўлди қаро тупроқ била паст.

Иироқтин кўрсалар отлиқ кишини,  
Солур жон ҳавлидин эркақ тишини.

Кўруб Жавҳар анинг шасту камонин,  
Тилар эрдики қурбон этса жонин.

Аданда йўқ эди бу шеркуши шаст,  
На бу мардоналиқ, бу шасту бу даст.

Ажаб келди Адан мулкина бу иш,  
Бари бармоқларина бостилар тиш.

### **ЖАВҲАР АДАНҒА БУРУНЛАБ, УРУҚНИ ГУЛГА БОШЛАТҚАНИ**

Евуқроқ етилар эрса Аданға,  
Айитти Жавҳар ул моҳи Хўтанға:

«Бурунлоғумдудур андоқ билингиз,  
Сиз уруқ бирла секинроқ келингиз».

Етиб Жавҳар шаҳаншаҳ ҳазратинда,  
Нечук етган била борди қотинда.

Шоҳ андин сўрди дарё боридин роз,  
Ул аввал қилди Гул васфини оғоз.

### **ЖАВҲАР ГУЛ ВАСФИНИ АДАН ПОДШОСИ ҚОТИНДА АЙТҚАНИ**

Бу Чин шаҳзодае фағфур насли,  
Ки зоҳирдур қилиқлариндин асли.

Нединким, ўксам, ортуқдур жамоли,  
Ҳар ишким, десангиз, бордур камоли<sup>1</sup>.

Шаҳ ул авсофларидин қолди ҳайрон,  
Севиб кўрмай аввал худ аз дилу жон.

Юбориб хосларни пешворин,  
Муҳайё қилди хонлар айшу борин ...

Ўзи уйинда қилди ўзга таъйин,  
Ки келса анда тушгай хисрави Чин.

Қариб эрди ўзи, ўгли, қизи йўқ,  
Қарода бўйию қорда изи йўқ<sup>2</sup>.

Чу топти ноғиҳон Гултек ўғулни,  
Ўз ўғлидин азизроқ севди они.

### ПОДШО БАДЕЪ ГУЛҒА УТРУ ЧИҚҚАНИ

Тузатти Гул учун баргу наволар,  
Бисоти равзатек боғу саролар.

Чиқарди пешкашлар ҳурмат учун,  
Ўзи ҳам утру чиқти иззат учун.

Йироқдин Гул кўриб шоҳи Аданни,  
Равонроқ сурди хинги ел танни<sup>3</sup>.

Евуқ еткач аёқланди<sup>4</sup> йироқтин,  
Бўйин кўрган киши тушти аёқтин<sup>5</sup>.

Иликларин сола сарви хиромон,  
Салом эткач, ер ўпти шоҳи хубон.

### АДАН СУЛТОНИ ГУЛ БИЛА КҮРУШГАНИ

Адан султони ҳам тушти отиндин,  
Тавозеъ қилди яхши ниятиндин.

---

<sup>1</sup> Ҳар қанча мақтасам (ўксам) ҳам ҳусни-жамоли мақтаганимдан  
ортиқ, ҳар қанча гапирсангиз ҳам, камол топган, етишган бир шахсдир.

<sup>2</sup> Ўзи қариб қолган эди, ўғил-қизи ҳам йўқ эди, на бир изи, на бир  
нилонаси бор эди (ўзидан кейин ҳеч нарса қолмас эди). <sup>3</sup> Гул узоқдан  
Адан шоҳини кўриб, чопқир отни тезлаштирди. <sup>4</sup> Аёқланди — яёв юрди,  
пиёда юрди. <sup>5</sup> Тушти аёқтин—отдан тушди.

Увулжошиб кўрушти ул икки шоҳ,  
Ениб туштилари айвон ичра ҳамроҳ<sup>1</sup>.

Карашма бирла мажлис тузди соқий,  
Арода қилди гардиш давр аёқи.

Рубобу уду мусиқору танбур,  
Кўнгуллардин қилиб андишани дур.

## ГУЛ СУҲБАТИНИНГ СИФАТИ

Хуш алҳонлиқ муғаннийлар навосоз,  
Такаллуф бирла усруклар сарандоз.

Қачонким Гул бўлур бўлса қадаҳнўш,  
Чоғир элнинг димоғинда қилур жўш.

Кечар мажлисда ҳар турлук латойиф,  
Ки бўлмас шоҳ анинг гирдина тоиф.

Ҳаминким, Гул қилур таҳрир бунёд,  
Кетар барчасининг билгани аз ёд.

Ҳикоят бошласа шоҳ ҳазратинда,  
Муҳандислар дам урмаслар қотинда.

Шаҳаншоҳ ҳар не ул мажлисда эрди,  
Дари баста борини Гулга берди.

Нукар, севдар, эв, эл, ганжу хазина,  
Мурассаъ тожу қўр, тахту ниғина.

## НАВРУЗ ФИРОҚИНДА ГУЛ НОЛИШИ

Кеча кеч бўлди-ю қўпти шаҳаншоҳ,  
Саодат бирла Гул қелди саҳаргоҳ.

Неким бегона бирла ошнодин,  
Қўпуб номаҳраму маҳрам ародин.

Гули Мушкин ериндин сачради чуст,  
Эшикни ичкаридин боғлади руст.

---

<sup>1</sup> Бу икки шоҳ қучоқлашиб кўришди, иккови ҳамроҳ бўлиб қасрга киришди.

Аёқдин бош тўни уброқи бебоқ,  
Ҳамул дам қилди ҳижрон илкидин чок<sup>1</sup>.

Очиқ ун бирла йиглай бошлади зор,  
Шаҳи Навшод учун ул моҳи Фархор.

Замоне тупроқ устинда қўяр бош,  
Гаҳе бағрина куч бирла урар тош.

Замоне кўксини тирнаб қилур реш,  
Гаҳе қўлларга тиш бирла урар неш.

Таҳаммулсизлигиндин қилса бир оҳ,  
Куяр ул шуъладин бу етти хиргоҳ! ...

Замоне толеъи бирла урушиб,  
Даме бахт элидин оғзи қурушиб.

Жаҳондин эл ювуб, жондин бўлуб сер,  
Тилай топмай қатиқ чорлағутек ер.

Бўшурғониб чиқарди ханжари тез,  
Тилади қилса бераҳмона хунрез.

## ГУЛ ҲЗИГА ТАСАЛЛИ БЕРГАНИ

Яна фикр эттиким, «Шоядки Наврўз,  
Чиқиб эркин сувдин бо бахти фируз.

Кўп истаб, топмаса-ногаҳ, нишоним,  
Нечук бўлғай менинг ул меҳрибоним?

Ўлуб гарчи ўзумни тиндурурмен,  
Вале Наврўз аҳдин синдурурмен.

Мен ўлсам, иштиёқим бирла нетгай?  
Мени кўрмай, фироқим бирла нетгай?

Адан дунёда бир машҳур ердур,  
Улус ўртасида маъмур ердур.

---

<sup>1</sup> Кийган кийими оёғидан бошигача йиртиқ, у Ҳзига бепарво қарайди, аммо айрилиқ дардидан ёқасини чок қилади.

Қуруқлуқ сарғади, дарё канори,  
Келур-борур мусофирлар гузори ...

Хаёли хайли бирла шоду хушвақт,  
Ғаминдин тож этайин, дардидин тахт.

Қилиб ҳажру фироқин ҳамнафаслар,  
Ҳавоси бирла ўйнойин ҳаваслар.

Ани деб ҳоли бори ўлтуройин,  
Нечук бўлса, бу ғам бирла туройин.

Тирик бўлса, тилай келгай қулини,  
Тириклай елга бермагай Гулини.

Сингуройин<sup>1</sup> ичимда мушкулимни,  
Киши онгламасун дарди дилимни».

Ўзи бирла чу бу андиша қилди,  
Эранлартек таҳаммул пеша қилди.

Эрикса<sup>2</sup> ову қуш бирла овунур,  
Туганмас ғамда куч бирла севунур.

### НАВРУЗНИНГ ҲОЛИ ДАРЕДА

Чу ул тўфон анингдек қўпти ногоҳ,  
Йироқ тушти ёвуқ хуршедидин моҳ.

Ғаҳи қаър ичра болиқ бирла дамсоз,  
Ғаҳи мавж устида кун бирла анбоз.

Мизожи заъф ўлуб нохуш ҳаводин,  
Чиқиб ул раҳми йўқ тилсиз балодин.

Вужудин шаст этиб дарё ҳавоси,  
Юрогин қон этиб ҳижрон балоси.

Чиқиб сувдин қироқ югурди ул шоҳ,  
Йироқдин бир олачуқ кўрди ногоҳ.

---

<sup>1</sup> Сингуройин—сингдирайин. <sup>2</sup> Эрикса—зерикса.

Олачуқнинг эгаси эрди бир пир,  
Ки дарёдин чиқарур эрди тавфир.

Иши балиқчилик эрди ҳамиша,  
Тирик боринча билмас ўзга пеша.

Етиб келгач, қўноқ кўрди уйинда,  
Кўмуллуб кун юзи нури бўйинда.

Иликдин ичқиниб<sup>1</sup> балиқни солди,  
Тонгирғаб<sup>2</sup> бормоғин тишлади қолди ...

Қовурди бир балиқни ўтқа ул пир,  
Ки идиндин шаҳаншаҳ топти тағйир.

Димоғи хушланиб келди ўзина,  
Кўрунди бир қари киши кўзина.

Шукурлар қилди тенгрига фаровон,  
Ки инъом этти лутфиндин янги жон.

## БАЛИҚЧИ НАВРЎЗ БИЛА КЎРУШГАНИ

Салом этти қўпуб пири сабукруҳ,  
Анингдекким, нажот асҳобина Нуҳ.

Жавобин бергач ўқ шаҳзода Наврўз,  
Равон бошлади тақрири дилафрўз.

Такаллумдин этиб турлук шакаррез,  
Кўнгул дилдор ҳикоят қилди ангез.

Еш ўғлонтек мутеъ этти қарини,  
Эгаллади уйин барқин барини.

Етур ери, тўшаги ер эди пас,  
Кунинча балиғ эти ер эди бас.

Қари ҳам бевужуд эрди-ю муҳтож,  
Тўя ош кўрмаган очу яланғоч.

---

<sup>1</sup> Ичқинмоқ—отилиб чиқиб кетмоқ, кўтарилмоқ. <sup>2</sup>Тонгирғамоқ—ажабданмоқ.

Тунинда бир хароб эски чопони,  
Бўйнида чиқмаган бир қилча жони.

Кўруб Наврўз анинг вазъини нохуш,  
Келиб раҳми, бўлуб вақти мушавваш.

## НАВРЎЗ БАЛИҚЧИГА ТАДБИР УРГАТГАНИ

Мунгургаб<sup>1</sup> лутф бирла деди: «Эй пир,  
Сенга ўгратайин бир яхши тадбир.

Бориб шаҳр ичра бир маҳрамни кўзла,  
Анга бир-бир менинг ҳолимни сўзла.

Магар бу иш била бир иш очилғай,  
Умидим борки тенгри лутф қилғай».

Қари бир ўзга иш фикр этти дарҳол,  
Бориб солди улукроқ ерга чангол.

## БАЛИҚЧИ НАВРЎЗНИ ВАЗИРГА ҒОИИБОНА СОТҚАНИ

Ўз ангези учун ул ҳийлалик пир,  
Вазир олинда мундоқ қилди такрор:

«Ки бордур бир қулум Юсуф сифатлик,  
Азиз жонимдин ортуқ, Юсуф отлик».

Эрур барча ҳунарларда ягона,  
Анинг мислини кўрмайдур замона!»

Вазир андин эшитиб, сўрди дарҳол,  
Юборди бир кишини кўргай аҳвол.

Бориб кўрган кишининг сабри қолмай,  
Ошуғиб етти, йўлда бир дам урмай.

## ВАЗИР НАВРЎЗНИ КЎРУБ МУТАҲАЙҲИР ҚОЛГАНИ

Нечукким, васф қилди ул парини,  
Вазир сачраб ёвуткоди ерини<sup>2</sup>.

<sup>1</sup> Мунгургаб—мунгли овоз чиқариб.

<sup>2</sup> Вазир сачраб ўз ўрнини Наврўзга яқинлаштирмақчи (ёвуткоди) бўлди.



Ҳамул дам қилди балиқчини хушнуд,  
«Бориб Юсуфни келтур!»—деди ул ғуд.

Чу келтурдилар ул сарви равонни,  
Ҷаҳоннинг жонидек жону жаҳонни . . .

Вазир олинда келгач шоҳзода,  
Тавозеъ қилди чун сарви пиёда.

Вазир ул қадни кўргач лол бўлди,  
Аёқдин туштию бадҳол бўлди.

Чиқариб маснад узра подшовор,  
Ўзи хидматта турди бандатек зор.

Ҳамул дам келтуруб шоҳона хилъат,  
Мураттаб қилди барча зебу зиннат.

Вале фикр этти ул донойи ҳушёр,  
Ки султон лойиқидур ушбу дилдор.

Керакким, хон билан бўлса мусоҳиб,  
Менга бу ганжи гавҳар не муносиб?!

## ВАЗИР ПОДШОНИ ЭВИНДА ИНДАГАНИ

Ҳамул дам тўй тартибин қилиб рост,  
Эвина индади султонни беҳост.

Қабул этти анинг дархостин шоҳ,  
Келиб тушти саодат бирла ногоҳ.

Гуҳар афшон қилиб дастури ҳушёр,  
Тобуқлар ерга еткурди сазовор.

Қурулди мажлису эврүлди бода<sup>1</sup>,  
Танаъум шеваси келди арода.

Надимлар лутф бирла шеър пардоз,  
Суханварлар ҳунардин мўъжиза соз.

---

<sup>1</sup> Эврүлди бода—май косаси айланди.

Неким мутриб деса овоз ичинда,  
Муғанний нақш боғлар соз ичинда.

## ВАЗИР НАВРУЗ ҚИССАСИНИ ПОДШОҒА АЙТҚАНИ

Чу ҳадсиз гарм бўлди суҳбати хос,  
Адо қилди вазири соҳиб ихлос:

«Ки эй хонлар хони, султони олам,  
Яратқон сояси, хоқони аъзам.

Жаҳон боринча зотинг бор бўлсун,  
Ҳамиша давлатинг бедор бўлсун.

Уюмга қўнди бир давлат ҳумойи<sup>1</sup>,  
Тулуъ этти саодат тўлун ойи.

Очуқ қўйди магар жаннатни ризвон,  
Ки келди дунёга ҳури хиромон.

Фасоҳат ичра алфози гуҳаррез,  
Латофат ичра алқоби диловез . . .»

## НАВРУЗНИ ПОДШОҲ КҮРУБ ПИСАНД ЭТГАНИ

Шаҳи олам ҳамул дам қилди фармон,  
Ки келди ул шаҳи сарви хиромон.

Ер ўпти шаҳ қотинда бандалартек,  
Адабдин ер боқиб шармандалартек.

Яман султони чун кўрди жамолин,  
Басорат бирла билди барча ҳолин.

Юзинда кўрди фарри Кайқубоди<sup>2</sup>,  
Дедиким: «Чин эрур хонлар нажоди».

Тавозеъ бирла сачради ериндин,  
Юқори олди барча беклариндин.

---

<sup>1</sup> Давлат ҳумойи—давлат қуши. <sup>2</sup> Эрон подшоларидан бирининг оти.

## ЯМАН ПОДШОСИ НАВРЎЗНИНГ ҲОЛИН СЎРҒАНИ

Чу ҳаддинда адаб нуруни кўрди,  
Адаб бирла бурун ҳолини сўрди<sup>1</sup>.

Кўтарди шоҳзода парда аз роз,  
Саросар саргузаштин қилди оғоз<sup>2</sup>.

Айитти барча кўнглиндаги рози,  
Кечурган қиссанинг дуру дарози<sup>3</sup>.

Ушул мажлисдаги эл-кун баякбор,  
Кўтардилар бу сўздин нолайи зор.

Яман султони андоқ бўлди мадҳуш,  
Ки қайнаган қозонтек бошлади жўш.

Сироят қилди барча элга бу ғам,  
Тешилмаган бағир қолмади ул дам.

## ПОДШОҲ НАВРЎЗГА НАСИҲАТ ҚИЛҒАНИ

Бу кез султон насиҳат қилди оғоз:  
«Ки эй хуш жилвалиқ сарви сарафроз.

Қовушуб ул Гули Фархор бирла,  
Кўнангил ул вафолиқ ёр бирла<sup>4</sup>.

Фалакнинг гардишидин емагил ғам,  
Жаҳонни хуш кечургил шоду хуррам.

Яратқон қилмагай ранжингни зоеъ!  
Назар этгай саодат бирла толеъ!

Яман мажмуъи йўлларнинг бошидур,  
Неким иқлимларнинг дилкашидур.

Ери хуррам, ўзидур руҳпарвар,  
Суви жонбахшу тупроғи муаттар.

Кўнгул тоблағудек яйлоқлари бор,  
Бағоят нозанин овлоқлари бор.

<sup>1</sup> Унинг феълу атворида адаб нуруни кўриб, адаб билан унинг аҳволини сўради. <sup>2</sup> Шаҳзода яширин сирларининг пардасини кўтарди, бошдан-оёқ саргузаштини сўзлаб берди. <sup>3</sup> Кўнглидаги барча сирни айтди, бошидан кечирган узун қиссаларни баён қилди. <sup>4</sup> Уша вафоли ёр билан фарғатда яшагин (кўнангил).

Учар қуштин тенгиз юзи ёпилур,  
Неча қуш солса илбосун топилур.

Сенга бўйдош беш-олти бандазода,  
Тобуқчилар<sup>1</sup> соғинишдин зиёда.

Бари бўлсун тобуғинда камарбанд,  
Танаъум бирла бўл машғул якчанд.

Отангдурмен эшит мендин насиҳат,  
Ки бу дунё эрур беш кун ғанимат.

Бу кунким, фурсатинг бор, хуш кечургил,  
Яна тонг бирла неким келса кўргил.

Вафосиздур бу беинсоф ғаддор,  
Қилур ўз шартин ўзга охири кор».

## НАВРЎЗ ПОДШОҲДИН УЗР ҚИЛҒАНИ

Қўпиб хон олдида ер ўпти Наврўз:  
«Ки ой кун партавитек олам афрўз.

Ғариблар қиблагоҳи хоки пойинг,  
Улус султонлари камтар гадойинг.

Бу не лутфу, бу не ҳадсиз карамдур,  
Чу сиз ғамхорсиз, ўзга не ғамдур!

Чу лутфингиз бу қулға бўлса ҳамроҳ,  
Ажаб йўқтур тилагим топсам, эй шоҳ!

Эрур, э подшоҳ, эртаги одат,  
Саодат элидин юқмоқ саодат.

Чу туштум давлатингиз соясида,  
Нетайин, бандалар ҳам поясида!

Тобуқчитек тобуқда боғлайин бел,  
Ки ўгрансун тобуқнинг шевасин эл . . . »<sup>2</sup>

<sup>1</sup> Тобуқчилар—хизматчилар. <sup>2</sup> Хизматкордек ҳузурингизда (тобуқчитек тобуқда) бел боғлайин, эл хизмат қилишни ўргансин.

## ЯМАН ПОДШОҲИ НАВРҶЗГА ТАРБИЯТ ҚИЛҒАНИ

Яман султони ҳам таъзим бирла,  
Суюрғоди туман таклим бирла ...

Ҳукм қилди жамии бекларина,  
Неким аркони давлатнинг бирина:

Ки қилғайлар анга эъзозу икром,  
Сўзиндин чиқмасунлар хосдин ом.

Увулжоди, дуолар қилди Наврўз,  
Аро ерда чу шамъи оламафрўз.

Чу бир ойча Яманда чирғади шод<sup>1</sup>,  
Кўнгул боғлаб ул элга солди бунёд.

Ов овлаб, қуш солиб чирғаб ҳамеша,  
Кеча-кундуз танаъум қилди пеша.

## ЯМАН ПОДШОҲИ НАВРҶЗГА ЧЕРИК БОШЛАТИБ, АДАНГА УТРУ ЮБОРГАНИ

Адан хони Яман султони бирла,  
Бағоят душман эрди жони бирла.

Чу келди Гул Адан мулкина ногоҳ,  
Анинг келганидин кучланди ул шоҳ.

Яман сарҳадина чопқун юборди,  
Умоқиб элга кўп ташвиш берди<sup>2</sup>.

Черикламоқ бўлиб, жиба кўруб ул,  
Юруди туттуруб ҳар соридин йўл<sup>3</sup>.

Яман султони тонг қолди бу ишдин,  
Бағоят қўрқти ул ангез юрушдин.

Бушурғониб туман минг сўз бирла,  
Кенгашти ўлтуруб Наврўз бирла<sup>4</sup>.

Яроғ ул кўрди Наврўзи жаҳонгир,  
Ки хон қилғай черик йиғмоғи тадбир.

<sup>1</sup> Бир ойча Яманда мамнун бўлиб, шодлик билан яшади. <sup>2</sup> Куч кўрсатиб (умоқиб) элни ташвишга қўйди. <sup>3</sup> Адан хони ҳамма ёқдан қўшин тўплади, уларни ҳарбий кийим билан кийинтирди, ҳамма йўлни бекитди. <sup>4</sup> Минг турли сўз билан ғазабини билдириб, Наврўз билан маслаҳат қилишди.

Ҳамул соат эв ўғли бирла Наврўз,  
Киюрга урди чиқти шоҳи пируз.

Ўзини яхши чирчимлаб юруб тез,  
Каминлар боғлади бар азми хунрез.

Яманнинг бор эди бир эски сардор,  
Басе машҳур, оти Баҳроми хунхор.

Ҳасад элтур эди Наврўздин ул,  
Куюб ногаҳ ҳасаднинг сўзидин ул.

## НАВРЎЗ ЧЕРИК ИХТИЕРИН БАҲРОМГА БЕРҒОНИ

Жаҳолатда қилиб ҳабсини изҳор,  
Хусумат бошлади хунрезу хунхор:

«Ки сен кимсан? Бор ўлтур, ўз ишинг қил,  
Агар жўжин эсанг, жўжинлигинг бил<sup>1</sup>.

Сенга тегмаски, менғирсанг Ямани,  
Черик тортиб, тамаъ қилсанг Аданни<sup>2</sup>.

Бу икки мамлакат бирдур азалда,  
Мунингдеклар тушар ҳар неча йўлда».

Тавозеъ бирла узрин қилди Наврўз:  
«Ким эй соҳибқирони оламафрўз.

Фузул теб сарзаниш қилма бу қулни,  
Яратқон тенгри йўқ қилсун фузулни.

Муно ул кун, тилар бўлсанг ўзунг бил,  
Емон-яхшиниким, қилсанг ўзунг қил.

Қўя бердук сенга санжиш яроғин,  
Не санжиш, балки барча иш яроғин!»

Не билсун Гул юрушин телба Баҳром,  
Юруди ҳар нечукким, бўлса ноком.

---

<sup>1</sup> Агар меҳмон (жўжин) бўлсанг, меҳмонлигингни бил. <sup>2</sup> Агар сен Ямани бўйин эгдирсанг, сенга Ямандан ҳеч нарса тегмайди, қўшин тортиб Аданни олсанг, ундан тама қилмай қўя қол.

## ГУЛ ҚОРАВУЛҒА (БОРИБ) ЯМАН ЧЕРИГИНИ ЧЕНАГАНИ<sup>1</sup>

Қоровулға келиб эрди Гул ўзи,  
Ҳаминки бу черикка тушти кўзи.

Ченаб<sup>1</sup> топтики, сардори забундур,  
Ҳеч иш билмас яроғсиз (бефундур.)

Кўруб, англаб, билиб ёнди ҳамул дам,  
Ясади ўв черикин шоду хуррам.

Тонг отқачким, замона бўлди хуррам  
Аритилди фалак кўзгусидан занг.

Туман ўлтурдую бўлди ҳаво соф,  
Черик тутти жаҳонни Қоф то Қоф<sup>2</sup>.

Хуруш этти киюрға кўкради кўс,  
Уруб чавгон дуҳлнинг юзини бўс ...<sup>3</sup>

Баҳодирлар уни, отлар хуруши  
Садафтек қар қилиб Миррих гўши<sup>4</sup>.

## БАҲРОМ ГУЛ ЯСОЛИН КҮРУБ ОЛДАРҒАНИ

Ки ногаҳ, бу ясолни кўрди Баҳром,  
Қила билмади елгунни саранжом.

Қомчилаб, елгун отландурса бўлмас,  
Кейин торта жилов ёндурса бўлмас.

Юрак ичқиндию кўнгли ториқти,  
Ўз ичкиси била илгари чиқти.

## НАВРҮЗ АЧИҒЛАНИБ, ЧЕРИКНИ ТЎҚТАТҚАНИ

Бу кез Наврўз ғайратдин уруб жўш,  
Ачиғланган била бўлди зирихпўш.

---

<sup>1</sup> Ченамоқ—синчиклаб кўрмоқ. <sup>2</sup> Ер юзини ўраб олган деб ҳаёл қилинган афсонавий тоғнинг номи. <sup>3</sup> Катта ноғора ғавғо солди, чавгон ўйинининг узун таёғи билан ноғорани чалдилар (таёқ ноғора юзидан бўса олди). <sup>4</sup> Баҳодирларнинг овози, отларнинг хуруши (ғавғоси) Миррих юлдузининг садафдек қулоғини қар қилди.

Черик олин тўсубон тутти йўлни,  
Қаровул турғузуб, тўқтатти ғулни.

Жилов қўйдию учдин учга борди,  
Аёқдин бош туруб, тупроқ қўпорди.

Мавжлар турғузуб беркитти қамбил,  
Қаро тоқдек ясаб турди муқобил.

### БАҲРОМ УТОНИБ, МАЙДОНҒА КИРИБ МУБОРИЗ ТИЛАГАНИ

Кедин боқти эса Баҳроми хунрез,  
Ҳижил қолди-ю қилди ўзга ангез.

Юруб майдон ичинда қилди жавлон,  
Ғанимлар тиладию марди майдон.

Аданлиқдин киши тебрамади ҳеч,  
Нечаким турди майдон устида кеч.

Гули Фархор ачиқланди бўлуб тунд:  
«Ки нечун бўлди мундоқ тигингиз кунд?

Бир эр йўқму бориб берса жавобин,  
Урундурса, узуб умри танобин!»

Адан беклари титрарлар саросар,  
«Ким эрмасбиз анинг бирла баробар.

Будур ул номвар Баҳроми хунхор,  
Ки йўқтур ер юзинда мунча сардор.

Тўпинганда минг отлиқ ўтру турмас,  
Ачиғланса тумандин юз чевурмас!»

Айитти Гул: «Қўйунг бу ҳарза сўзни,  
Забун этмак недур ёғига ўзни»<sup>1</sup>.

Муни туттумки худ бир аждаҳодур.  
Бизнингтек одами эрмас, балодур.

---

<sup>1</sup> Гул деди: «Бу бемаъни сўзни қўйинг, душман олдида ўзини паст  
тутиш уят эмасми?»



Недур эй беҳамиятлар, бу ҳайрат!  
Эр ўғлига керактур бўлса ғайрат!\*

## ГУЛ АЧИҒЛАНИБ, БАҲРОМҒА УТРУ ТЕПИНГАНИ

Ачиқдин урди Гул қамчи отина,  
Таваккул қилди тенгри ҳазратина.

Тарид эткач, қуюнтек ҳамла қилди,  
Булуттек кўкради, ўттек чақилди.

Изангу қамчилаб дафъ қилди Баҳром,  
Айиттиким: «Сен эй сардори айём.

Аданлиқларга ўхшамас юрушинг,  
Эрур туркона отқа ўлтурушинг.

Ўзунгга раҳм қил, қонингни тўкма,  
Танингда куч била жонингни сўкма.

Отингда туш, отим туёғини ўп!  
Ўзунгни бил, фузуллуқ қилмағил кўп!\*

Айитти Гулким: «Эй жоҳил, тек ўлтур!  
Илиқда ирдаминг бор эрса, келтур!

Бу майдонда ҳунар кўргуз эр эрсанг,  
Узалур сўз, агар муҳмал дер эрсанг!\*

## БАҲРОМ ГУЛГА ҚИЛИЧ ТЕГУРГАНИ

Бу кез Баҳром ачиқдин чекти бир тиг,  
Елиб қалқонни кирди моҳ дар миғ.

Анингтек чопти қалқонни ҳамойил,  
Ки Гул от орқасиндин бўлди мойил.

Саросар бўлди қалқон икки пора,  
Дувулғодин тоғи бўлди гузора<sup>1</sup>.

Ўтурушда Гули фархор ҳам нез,  
Ҳамойилдин чиқарди тиги хунрез.

\* Бошдан-оёқ қалқон иккига бўлинди, ҳатто бош кийимидан ҳам ўтиб кетди.

Анингтек чолди ғайраттин белина,  
Ки Миррих офарин қилди элина.

Бўлунди ўртадин Баҳроми хунхор,  
Оти соғрисидин тушти нигунсор.

Чу бўлди туғмағонтек бир замонда,  
Гиреву зилзила тушти жаҳонда.

Умоқ бирла Гули Фархор чун бод:  
«Мубориз юборинг!» теб қилди фарёд.

## НАВРҮЗ БИЛА ГУЛ МАЙДОНДОРЛИҚ ҚИЛИБ ТАНИШҚАНИ

Яманлиқлар ул ишдин қолдилар лол,  
Отин қамчилади Наврӯз дарқол.

Тарид этгач била кўргузди жавлон,  
Тебинди «ҳув» этиб чун шери ғаррон.

Таниди Гул дилоромин униндин,  
Ўзини ташлади от устининдин.

Бу ҳолатни кўруб Наврӯзи Навшод,  
Отиндин сачраб андоқ қилди фарёд.

Ки қолди барча эл ҳайрат ичинда,  
Ки не бўлди бу бир соат ичинда.

Чопиштилар келиб тўшлуқ тўшиндин,  
Улус фориг бўлуб санжиш ишиндин.

Кўрарлар тупроқ узра зори афкор  
Етурлар беҳабар икки вафодор.

Гулоб афшон чу бўлди юзларина  
Парилар келди ногаҳ ўзларина.

Гаҳе Наврӯз Гул иди била маст,  
Даме Гул бўлди Наврӯз олида маст.

Қучоқлашгач ул икки сарви озод,  
Мубораклик била отландилар шод.

Уруш, санжиш кўтарилди ародин,  
Хусумат кетти икки подшодин.

Бу хушлуқтин бирикти икки иқлим,  
Ародин қўпти хавфу қолмади бим.

## АДАН ПОДШОҲИ ЯМАН ПОДШОҲИ БИЛАН ЯРАШҚАНИ

Яман хони (Рафеъи) фаррух ахтар,  
Адан хони (Бадеъи) хўб манзар.

Кўруштилар сафо бирла, ҳамул дам  
Ярошиб тўйладилар шоду хуррам.

Тикилди икки ёндин боргаҳлар,  
Мувофиқ бўлди икки подшоҳлар.

Кечиб ҳижрон кечаси, ўтти зулмат  
Ёруди субҳи васлу кешти ғурбат.

Саодат юзланиб, накбат туганди,  
Етилди давлату меҳнат туганди.

Жафосиндин фалак бўлди пушаймон,  
Фараҳ келдию ғам бўлди паришон.

Бу хуш кунларки тенгри берди мақсуд,  
Тилагандек тилаклар бўлди мавжуд.

Шараф буржинда эрди кун ҳамалда,  
Қоварғон барча қўк-ёшлар амалда.

Жаҳон хуррам бўлуб хулди баринтек,  
Сузулуб чашмалар мойи майинтек.

Ҳаво Исо дамитек руҳпарвар,  
Қилиб оламни жаннаттек муаттар.

Чаманда булбулу қумри газалхон,  
Тузуб дуррож, кеклик турлук элҳон ...

## ПОДШОҲ МУШКИН ҲОЛИ ГУЛ ФИРОҚИНДА

Ушул кунким, Гулу Наврӯзи Навшод,  
Иковлон қочтилар Чин йўлидин шод.

Хабар келди эса Мушкини Фархор,  
Билиб кайфиятини охири кор.

Қоровуллар қўюб қочган йўлина,  
Юборди элчилар Навшод элина.

Эшитти эрса Фаррух бу хабарни,  
Бўйиндин ташлади тожу камарни.

Сочин бир-бир титиб, тўнин қилиб чок,  
Бошина сочди бу андишадин хок.

Жаҳонда путратиб сайёҳларни,  
Тенгизларга (солиб) маллоҳларни.

Сўратиб ер юзинда Қоф то Қоф,  
Машаққат бирла издаб дунёни соф.

Не бу топти хабар не шоҳи Мушкин  
Тўнгулди оқибат ул икки мискин.

Кесиб жондин умид икки шаҳаншоҳ,  
Бу йил келдилар эрди ҳажга ногоҳ.

Яна Наврӯзнинг навкарлари ҳам,  
Кунича еб Гулу Наврӯз учун ғам.

Кезиб сайёҳлартек элдин элга,  
Тонғиб ҳиммат қурин мардона белга.

Кезиб пайваста баҳру бар ичинда,  
Юруб мажуъи кўҳу дар ичинда.

Келурлар эрди мундоқ ҳажга ҳар йил,  
Қилиб ҳаж, тарқашурлар эрди бедил.

Қазодин бу йил ул бечоралар ҳам,  
Магар ҳаж азмина келдилар ул дам.

Гулу Наврӯз шоду хурраму хуш,  
Етиштилар ҳарамға бе ғаму ғаш.

## ГУЛ ВА НАВРҶЗ ТАВОҒДА ОТАЛАРИНИ ТАНИҒАНИ

Тавоғ ичра ул икки сарви озод,  
Севунганин уруб такбири фарёд.

Кўрарларким, малак сийрат икки пир,  
Аюрлар оҳу нолиш бирла такбир.

Бири айтурки: «Эй ҳайи тавоно,  
Эурсан барча аҳволимға доно.

Хазондин асрағил ул тоза Гулни,  
Карам бирла анга еткур бу қулни».

Бири айтурким: «Эй донандаи роз,  
Сенга равшандурур анжому оғоз.

Чу сен солдинг мени Наврӯздин дур.  
Ани менга, мени анга қовуштур!»

Кўруб Наврӯзу Гул бу дарди дилни,  
Юруттилар ўгон шукрина тилни.

Отоларин таниб ул икки ғамхор,  
Севинганин баса йиғладилар зор.

## ГУЛНИ НАВРҶЗҒА ҚОВУШТИРҒАНЛАРИ

Қовуштириб ул ики меҳрибонни,  
Муқорин қилдилар тан бирла жонни.

Оч арслон куч била жайронни илди,  
Сабо гул ғунчасин ел бирла тилди.

Кўруб турғунча санъат бирла ҳаққок,  
Иликлағач гуҳарни тешти бебок.

Кумуш инжу қилиб гул япроғин реш,  
Асал устинда ари чайқади неш.

Чу сиймин ҳуққанинг оғзи очилди,  
Тўкулди, лаълу инжулар сочилди.

Балиқ бўғзидин оқти дурру маржон,  
Садаф қурсоғидин сачради (ҳар ён).

Тонг отқунча аёқ тутмоқ, бош урмоқ,  
Юзук ўйнамоқу бармоқ ёшурмоқ.

Бири бир сар териб шафтолуйи тар,  
Бири дам-дам сўруб мастона шаккар.

Бири минг шевалар бирла қилиб ноз,  
Бириси ҳам бўлуб ул дамға дамсоз.

Ишонишмай бири бирнинг висолин,  
Туш эрмиш теб, соғиниб иттисолин.

Оғизлари шакар бирла шакарфош,  
Севунгандин сочар наргислари ёш.

Қилиб кечган фироқ айёмини ёд,  
Тоғи ортуқ бўлур ул васлидин шод.

Чу жон бериб топар гавҳарни гаввос  
Азиз жонидин ортуқроқ тутар хос ...

## ТУРТ ПОДШОҲ ГУЛ ВА НАВРУЗ ҲАҚИДА БАҲС ҚИЛГАНИ

Қўйиб ҳар қофила ўз мулкина юз,  
Ду аспа илгару тушти қуловуз.

Бадеъ айтур: «Гули раъно манингдур,  
Адан йўқким, азиз жоним анингдур».

Рафеъ айтурким: «Мен Наврўзнингмен,  
Бу зебо моҳи меҳр афрузнингмен.

Менга онсиз тан ичра жон керакмас,  
Бу тожу тахту ул айвон керакмас».

Айитти шоҳи Мушкин: «Эй салотин,  
Кечинг бу ҳосили йўқ можародин!

На мен Гулсиз, на Гул Наврӯзсиз хуш,  
Ки йўқтур жому жон афрузсиз хуш.

## ПОДШОҲ ФАРРУҲ САЛОҲ АНДИША ҚИЛИБ СЌЗЛАГАНИ

Деди Фарруҳки: «Бир тадбир этоли,  
Таассуб тўнини тағйир этоли.

Эшитур бўлсангизлар, бир сўзум бор,  
Эшитиб бўлсангиз сўзга харидор.

Тинголи иттифоқ устида элни,  
Қилоли ўртада тағйин бир элни.

Ҳамон хушдурки, жон ўртада бўлса,  
Не ким аъзо ичинда борса-келса.

Эрур Навшод ўз фасли баче хуш,  
Ҳавоси хурраму авлоғи дилкаш.

Яна ёй мавсумида мулки Фархор,  
Эрур филжумла жаннатдин Ҳамудор.

Яман мулки қачонким бўлса ёбис,  
Бўлур аърофтек дунёда тенгсиз.

Етилур бас латиф анвойи неъмат,  
Келиб қилса бўлур турлук маишат.

Адан худ қиш куни ишрат еридур,  
Эрам янглиғ парилар кишваридур.

Қиш ўртасинда саҳроси чамантек,  
Ҳаҳонда бўлмағай хушлуқ Адантек.

Муҳолифлик агар қўпса ародин,  
Қутулурсиз туганмас можародин ...»

## ГУЛ ВА НАВРҮЗ НАВШОД МУЛКИНА БОРҒАНИ

Қилиб ҳажжу зиёрат расмини туз,  
Кўчуб Навшод элина қўйдилар юз.

Туруб, тўйлаб ул элда бир-икки ой,  
Кетурдилар тараб шартини бар жой.

Неча вайроналар ичра қилиб сайр,  
Жамии мустаҳиқларға қилиб хайр

Саодат бирла ёй фасли етилди,  
Париларға азимат вақти бўлди.

Гулу Наврўз Мушкин шоҳ бирла,  
Кўчуб юзландилар дилхоҳ бирла.

Неким Навшоддин то мулки Фархор,  
Қилиб эрдилар оройиш чу бозор.

Бўлубон йўл қито Булбул ғазалхон,  
Тузуб Зуҳра анинг савтина элҳон.

Қамуқ меҳнат қўпуб, хушлуқ бўлуб юз,  
Фалак ёри қилиб, ишлар бўлуб туз.

Жаҳонда кимниким кўрсанг тарабсоз,  
Улус хушвақту олам айш пардоз.

Ети иқлимда санжишу уруш йўқ,  
Кунингча чирғалангдин ўзга иш йўқ.

Қилиб Наврўз Гул олинда жавлон,  
Кезиб бу тўрт иқлим ичра яксон.

Қадаҳгардон қилибон соқии умр,  
Кечурдилар мунингтеқ боқии умр.

Фалак даври замона иқтизоси  
Бу айшу бу тамошолар ароси.

Қадар қилди қазонинг ҳанжарин тез,  
Ҳамон одат била бошлади хунрез.

Ародин кўч кўтурди тўрт султон,  
Саросар рубъи маскун бўлди яксон.



## НАВРЎНИНГ ПОДШОЛИГИНИНГ СИФАТИ

Барининг ўрнига Наврўз бўлди,  
Муроди бахтина фируз бўлди.

Ажаб мушфиқ мураббийдур муҳаббат  
Ким, эр ўғли қилур мағрури давлат,

Маалқиса чу Наврўзи жаҳонгир,  
Жаҳонни азм бирла қилди тасхир.

Жаҳонда қўйди яхши расму ойин,  
Тузатди дунёни сар то ба пойин.

Очибон қирвондин бохтарға,  
Юрутти ёрлиғини баҳру барға.

Гаҳе хоқони Чин берди хирожин,  
Гаҳе хоқони Хўтан топшурди божин.

Тузуб ўзбак шилонининг кўйини,  
Супурди юз била қайсар уйини.

Фарангу<sup>1</sup> Рум<sup>2</sup> этиб кийган тўнин рост,  
Тушуруб Рай<sup>3</sup> ўзи молини бехост.

Чу эрди бу саодатқа сазовор,  
Тилаб топти муродин охири кор...

Таърих секкиз юз ўн тўрт эрди ҳижрат,  
Ки нақш эттим бу манзури муҳаббат.

---

<sup>1</sup> *Фаранг*—Европа мамлакатлари маъносида. <sup>2</sup> *Рум*—Византия, Рим империяси кейинча бутун ғарб. <sup>3</sup> *Рай*—Эроннинг асосий шаҳарларидан бири.

## ЛУҒАТ

### А

**Абир** — бир нав хушбўй нарсаси, анбар.

**Абр** — булут.

**Абобил** — қалдирғоч, узунқанот.

**Авсоф** — сифатлар, мақтовлар.

**Адан** — Яманда энг яхши марвариди билан машҳур бўлган бир оролнинг номи.

**Адам** — йўқ, йўқлик.

**Адимул-мисл** — мисли йўқ, мислсиз, тенги йўқ.

**Аёқ** — пиёла, коса, қадаҳ.

**Азимат** — кетиш, йўлга чиқиш, бирор ишни бажаришга қасд қилиш.

**Азм** — бирор ишга қатъий қарор қилиш, бел боғлаш, сафарга чиқиш.

**Азозил** — шайтон.

**Айнигим** — айтганим.

**Аймиш** — айтмиш.

**Ало** — э!, эй, ҳой!

**Алҳон, илҳон** — ашулалар, овозлар, сайрашлар.

**Алқоб** — лақаблар, унвонлар, тахаллуслар.

**Алфоз** — сўзлар.

**Андоз** — 1) ташловчи, отувчи, солувчи; 2) ташлаш, отиш, улоқтириш.

**Анбоз** — шерик, жуфт.

**Анбор** — 1) хирмон, уюм; 2) хас-хашак, супуринди.

**Анвор** — нурлар, равшанликлар, ёруғликлар.

**Ангиз** — қасд, қўзғатувчи, уйғотувчи.

**Аридур** — юқоридур, покдур.

**Аркони давлат** — давлат аъзолари, ҳукумат арбоблари.

**Ариғ** — покиза, тоза, тиниқ.

**Асқоб** — 1) эгалар, аҳллар; 2) суҳбатдошлар, ҳамсуҳбатлар, дўстлар.

**Афзуи** — ортиқ, зиёда.

**Афъол** — ҳаракатлар, қилиқлар.

**Афруз** — ёритувчи, порлатувчи, қизитувчи.

**Афсонапардоз** — ҳикоя тўқувчи, ҳикоячи, ҳикояни чиройли қилиб айтувчи.

**Афсун** — сеҳр, авраш, найранг, фириб, макр.

**Афтода** — хоксор, ташландиқ.

**Ахтар** — юлдуз, бахт.

**Ашъор** — шеърлар.

**Афшон айламак** — сочмоқ сочма йўли билан безамоқ.

**Ачиқдин** — ачиқланган.

**Аюр** — айтади.

**Ағёр** — бегоналар, ётлар.

### Б

**Бадъ** — 1) мисли кўрилмаган даражадаги янгилик; 2) нафис, гўзал.

**Бадваҳм** — ёмон ваҳимали.

**Бадруд** — видолашиш, яхши сўз билан хайрлашиш.

**Бадҳол** — ёмон аҳвол.

**Бажуз** — бошқа; ўзга.

**Бакуллий** — бутунлай, тамомила.

**Банда** — қул.

Бани одам — одам боласи.

Бар — ҳосил, мева.

Бар емак — баҳра топмоқ, фойдаланмоқ.

Бар — кўкрак, гавда, тан, бадан.

Баргу наволар — фойда, баҳра, тирикчилик учун керакли нарсалар.

Барин — юқори, баланд

Басе — кўп, анча, кўпинча.

Басо — кўпинча, аксар, кўп.

Басорат — ўткир кўзли, билагонлик.

Баста — боғлиқ, банд, боғланган.

Баякбор — тўсатдан, бирданига.

Баҳру бар — денгиз ва қуруқлик.

Бебоқ — 1) қўрқмайдиган, ҳайқмайдиган; 2) ҳаёсиз, парвосиз, бевош.

Бедов — чопқир от.

Бекас — кимсасиз, меросхўри йўқ.

Белинг — хавф-хатар.

Бемул — кайфсиз, ҳорғин.

Бехост — тўсатдан, беихтиёр.

Бешумора — саноқсиз, кўп.

Бечун — ўхшашсиз, тенгсиз, монандсиз.

Бим, бийм — қўрқув, хавф.

Бисмил қилмоқ — сўймоқ.

Битик — мактуб, хат.

Бод — шамол.

Бодбон — кема чодир, елкан.

Боди субҳ — тонг шамоли.

Бозгуна — 1) қарши, тескари, акс; 2) бахтсиз.

Бозича — ўйин, алдов.

Бол — пар.

Бом — том, уй томи.

Боргоҳ — қабулхона, қабул этиладиган ўрин.

Бот — тез, шитоб, тезликда.

Бохтар — шарқ, баъзан ғарб маъносида ишлатилади.

Бузург — улуғ, ҳурматли.

Буйда — бу уйда.

Бурж — қуёшнинг йиллик ҳаракат доирасидаги 12 нуқтанинг ҳар бири. (Қадимги астрономияда.)

Бурдин — илгари, аввалдан.

Буратиб — бураб.

Буроқ — хачир.

Буррон — ўткир.

Буткармак — 1) битказмоқ, тузатмоқ; 2) кийдирмоқ, кийинтирмоқ.

Бутрамак — тарқамоқ, тўзимоқ, пароканда бўлмоқ.

Бўлулук — қул, асир.

Бўрк — қалпоқ, телпак.

Бўс — ўпиш.

Бўсаға — 1) остона; 2) паст ер.

Бўшурганмоқ — ғазабланмоқ, аччиқланмоқ, хафа бўлмоқ.

## В

Вазъ — 1) тартиб, низом, қуриш, тиклаш; 2) ҳаракат; 3) бичим, яратиш.

Вале — лекин, аммо, бироқ.

Восил — эришувчи, етишувчи, эришган, етишган.

Васф — таърифлаш, мақташ.

## Г

Ғажимпўш, гежимпўш — уруш вақтида отга кийдириладиган махсус ёпиқ.

Ғанж — бойлик, хазина, қимматбаҳо нарсалар.

Ғарм — 1) иссиқ, ёқимли, қизгин; 2) очиқ чехралли; 3) жаҳли тез; 4) чаққон.

Ғирд — атроф, айлана, қирғоқ.

Ғирев — шовқин-сурон, қичқир.

Ғису — ўрилган соч, аёллар сочи, кокил.

Ғузар — йўл, ўтиш.

Ғулоб — атиргулнинг суви,

атир гул, қизил гулдан тор-  
тилган ичимлик.  
Гуризон — қочувчи, қочган.  
Густох — адабсиз, андишасиз,  
хайиқмайдиган.  
Густоглиғ — ибосизлик, ҳа-  
йиқмаслик.  
Гуфтор — сўз сўйлаш, сўзлаш,  
гапириш, суҳбат.  
Гухаррез — гаҳҳар сочувчи,  
қимматли сўзлар сўзловчи.  
Гўша — бурчак, хилват.  
Гўш — қулоқ.  
Гўшвора — зирак.

## Д

Дайёр — 1) турувчи, яшовчи;  
2) уй эгаси.  
Дамсоз — ҳамдам, ҳамдари,  
улфат, дўст.  
Даноат — пастлик, тубанлик,  
ярамаслик.  
Дари баста — эшикларнинг  
банди.  
Дар дом — дом ичида, қафас  
ичида.  
Дархост — илтимос, сўров,  
ўтинч, талаб.  
Дароз — узун.  
Дастовиз — 1) қўлда осилган;  
2) восита, қутулиш восита-  
си; 3) совға, ҳадя.  
Дафина — кўмилган хазина.  
Дилафрўз — дилни ёритувчи,  
кўнгилни шод этувчи, сев-  
гили.  
Дилпазир — кўнгилга ёқувчи,  
ёқимли.  
Дилхоҳ — дил тортар, кўнгил  
истаган.  
Диливиз — кўнгилни банд қи-  
лувчи, кўнгилни илинтирув-  
чи.  
Довар — ҳоким, подшо.  
Донада — билувчи, билим-  
дон.  
Дун — паст, разил, нокас.

Дунйи — дунё.  
Дурри самин — қимматбаҳо  
дур.  
Дуру дароз — узундан-узоқ.  
Дуҳул — катта ногора.

## Е

Елтан — чопқир.  
Елгун, элқун — улов, чопқир  
от.

## Ё

Ёбас — қуруқ, қуритадиган.  
Ёву — яқинлашмоқ.  
Ёвутмоқ — яқинлаштирмоқ,  
яқин келтирмоқ.  
Ёвушмоқ — яқинлашмоқ  
Ёвуқ — яқин.  
Ёй мавсуми — баҳор фасли.  
Ёзи — дашт, чўл.  
Ёзуқ, ёзуғ — гуноҳ, айб.  
Ёнмоқ — 1) қайтмоқ; 2) ёнмоқ  
(ўт), куймоқ; 3) қайрилмоқ,  
эгилмоқ.  
Ёлин — ёлқин, аланга, чўғ, уч-  
қун.  
Ёронмоқ — чирмашмоқ.  
Ёғи — 1) душман, ёв; 2) ито-  
атсиз.

## Ж

Жав — арпа.  
Жавонбахт } — бахтиёр, бахт-  
Жувонбахт } ли, келажаги порлоқ.  
Жавлон қилмоқ — айланмоқ,  
юрмоқ, кезмоқ, ўйноқламоқ.  
Жаҳондоро — жаҳонни эгал-  
лаган.  
Жибапўш — сипар, совут ки-  
йинган.  
Жигарсўз — 1) ғамхўр, ғам-  
хўрлик қилувчи; 2) қаттиқ

азоб, азоб берувчи, қийнов-  
чи.

**Жийба, жиба** — қадимги  
уруш кийими бўлиб, темир  
ёки пўлатдан ясалади.

**Жўжин** — меҳмон.

**Жонбахш** — жон бағишловчи.

**Жўна** — гавҳар.

**Жўш** — 1) қайнаш; 2) гулгу-  
ла, ғавго, тўполон; 3) тўл-  
қин.

**Жўй, жў** — истовчи, қидирув-  
чи.

### З

**Забун** — 1) ожиз, нотавон, бе-  
чора, кучсиз; 2) мағлуб, ен-  
гилган.

**Занг** — 1) чанг, ғубор; 2) кир,  
қора.

**Занги** — қора танли, негр, зан-  
жи.

**Заъф** — кучсизлик, ҳолсиз-  
лик, касаллик, ожизлик.

**Зарқ** — алдов, ҳийла, муно-  
фиқлик.

**Зиҳи** — яхши, жойида, гўзал,  
қандай яхши.

**Зириҳпўш** — ўқ ва тиг ўтмай-  
диган уруш кийимини ки-  
йиш.

**Зуҳал** — Сатурн планетаси  
(сайёра).

### И

**Иблис** — шайтон.

**Игрим** — уйрум, гирдоб, сув-  
нинг айланиб оқиши, сув  
айланмаси.

**Иди, изи** — хўжайин, ҳукм-  
рон.

**Ийманмоқ** — уялмоқ.

**Издамоқ** — изламоқ.

**Изз** — иззат, қадр-қиммат.

**Илбосун** — илвасин, ов қили-  
надиган парранда.

**Иликламоқ** — қўлга кирит-  
моқ.

**Индамоқ** — чақирмоқ, унда-  
моқ.

**Иноят** — меҳрибонлик, марҳа-  
мат, ёрдам, илтифот.

**Иршод** — тўғри йўл кўрсатиш.

**Исирғонмоқ** — ачинмоқ, ўкин-  
моқ.

**Илик** — қўл.

**Итикламоқ** — тезламоқ.

**Иттисол** — туташмиш, ула-  
ниш, етишиш, бирикиш,  
ёпишиш.

**Ички** — 1) подшо саройига  
хос амалдор; 2) ички маж-  
лис, хос ўтириш.

**Ичқинмоқ** — отилиб чиқиб  
кетмоқ, кўтарилмоқ.

**Иқлим** — мамлакат.

**Иқтизо** — талаб, истак, эҳти-  
ёж.

### И

**Иипак** — ипак.

**Иипор** — ҳид.

**Иир** — ашула, қўшиқ.

**Ииров** — бахши, ашулачи, ҳи-  
коя аytувчи.

### К

**Кайбур** — ёй ўқларидан бири-  
нинг оти.

**Кайвон** — юксак осмон, Са-  
турн юлдузи.

**Камол** — 1) тўлиқ, етуклик,  
мукаммал, нуқсонсиз; 2)  
талант, илм, фазилат.

**Камин** — пана жой, хилват  
жой, пистирма.

**Канора** — 1) қирғоқ, чет; 2)  
қучоқ.

**Кежим** — урушда отга кийди-  
радиган махсус ёпиқ.

**Кез** — гал, навбат.

**Кената** — 1) бирдан, тасодифан; 2) қайтадан, яна.

**Кетармоқ** — артмоқ, кеткизмоқ.

**Кишвар** — мамлакат, вилоят.

**Киюрмоқ** — 1) киритмоқ; 2) киргизмоқ.

**Кудурат** — дил ғашлик, ғам-ғусса.

**Кунд** — ўтмас, ўтмайдиган.

**Кунинча** — кун бўйи.

**Кушод** — очиқ, очилган, бўшатишган.

**Кус** — катта ногора.

**Куюк** — куйган.

**Кўзолдурдук** — чиммат, юзга тутадиган парда.

**Кўкрамак** — 1) қаттиқ овоз чиқармоқ; 2) гуркурамоқ.

**Кўкрашмоқ** — бўкирмоқ, бақирмоқ.

**Кўлук** — улов.

**Кўрк** — ҳусн, гўзаллик, чирой.

**Кўнанмоқ** — фароғатда, мамнуниятда яшаш.

**Кўчик** — кичик.

**Кўҳ** — тоғ.

## Л

**Лангар** — йўловчилар қўниб ўтадиган жой.

**Латойиф** — латифалар, гўзал сўз ва ҳикоялар, (бирлиги латифа).

**Латофат** — гўзаллик, нозиклик, мулойимлик.

**Лико** — кўриниш, юз.

**Лол** — гапирмай қолиш.

## М

**Мавзун** — келишган, тартибли.

**Маволид** — туғилганлар, фарзандлар, юзага келган нарсалар.

**Мавсум** — 1) аталган, исмлан-

ган, белгиланган; 2) ном чиқарган, донгдор.

**Мавқуф** — тўхтатилган, тўхтатиб қўйилган.

**Мадҳуш** — 1) ҳушдан кетган, беҳуш, маст; 2) ҳайрон, ҳайратланган.

**Мадоро** — чиқишиш, келишиш, битишиш, риоя қилиш, юзаки муомала.

**Маин** — оқадиган, оқар.

**Мажол** — куч, қувват, имконият, иқтидор.

**Малаксийрат** — фаришта, хулқ-атвор, хислат, одат, равиш, ҳолат.

**Маллоҳ** — қайиқчи, кемачи.

**Мамолик** — мамлакатлар.

**Манзар** — 1) қараладиган, назар ташланадиган жой; 2) кўриниш, сурат, жой.

**Мансур** — ғалаба қилувчи.

**Маснад** — 1) суянчиқ; 2) тахт; 3) ҳукмдорлик ўрни.

**Масруъ** — тутқалоқ дардига мубтало бўлган.

**Матлуб** — талаб этилган, орзу этилган нарса.

**Мафраш** — ерга тўшаладиган гилам, кигиз, шолча каби нарсалар, палос.

**Маҳваш** — ойга ўхшаш, гўзал.

**Маҳдум** — вайрон қилинган, хароб бўлган.

**Маҳд** — бешик, кажава.

**Маҳмил** — туянинг устига ўрнатилган, одам ўтирадиган кажава.

**Маҳал** — 1) фурсат, муҳлат; 2) замон, вақт; 3) жой, ўрин.

**Маҳол** — таҳлика, қўрқинч, хавф.

**Маҳфил** — жой, манзил, тўпланиш жойи, мажлис, базм.

**Менгиз, мангиз** — бет, юз, чеҳра.

**Менгирмоқ** — бўйин эгдирмоқ.

**Мизож** — кишининг табиати.

**Миърож** — 1) шоти, нарвон; 2) кўкка кўтарилиш.

**Мискин** — камбағал, бечора.

**Миғ**, **меғ** — қора булут.

**Моҳазр** — бирор нарсанинг тайёр бўлгани.

**Муайян** — аниқ, белгили, равшан.

**Мубориз** — яккама-якка курашувчи, урушувчи, жангчи.

**Мудҳиш** — қўрқинчли.

**Мужда** — хуш хабар.

**Мунгирғамоқ** — мунгли овоз чиқармоқ.

**Мунофиқ** — иккиюзлама.

**Мунингтекларни** — бундайларни.

**Мукаррар** — 1) қайтадан, қайта-қайта, уст-устига; 2) такрорланган.

**Мулозим** — бирга юрувчи, яқин одам.

**Мурассаъ** — қимматли тошлар билан безатилган, қимматли тошлар қадалган.

**Мураттиб** — тартиб берувчи, тизувчи.

**Муршид** — тўғри йўлга солувчи.

**Мурғ** — қуш.

**Мусаммам** — бир ишга қатъий қарор берилган.

**Мусиқор** — чолғу асбоби.

**Мусоҳиб** — ҳамсуҳбат, дўст, улфат.

**Мустаҳиқ** — муносиб, лойиқ, ҳақди.

**Муаттар** — хушбўй.

**Мутриб** — чолғувчи, созанда, ашулачи.

**Мушавваш** — ташвишли, бесаранжом, кўнгли паришон.

**Мушкин** — 1) мушк ҳидли, мушк тусли; 2) мушк рангли, қора тусли.

**Муштарий** — 1) юпитер планетаси; 2) харидор.

**Мушфиқ** — шафқатли, меҳрибон, марҳаматли.

**Муҳолиф** — тескари, қарама-қарши.

**Мухтасар** — қисқартирилган, ихчам, қисқаси.

**Мухталиф** — 1) қар хил, турли-туман; 2) қарама-қарши.

**Мухандис** — геометрияни яхши билувчи, бинокор мутахассис, инженер.

**Муҳаққақ** — тўғрилиги исбот этилган, рост, аниқ.

**Муҳиб** — севувчи, дўст тутувчи.

**Муқобил** — қарши турувчи, қарши, зид.

**Муқорин** — яқин турган, ёнма-ён турган.

## Н

**Наво** — 1) овоз, садо; 2) куй, музика оҳанги, мунгли ун.

**Навҳа** — товуш чиқариб йиғлаш, мунгли йиғи, нола.

**Надим** — яқин хизматкор, маҳрам, ҳамсуҳбат, ўртоқ.

**Наззора** — 1) қараш, назар ташлаш, кўз солиш; 2) томоша.

**Накбат** — толеъсизлик, бахтсизлик, фалокат, хорлик, машаққат.

**Намудор** — кўринишли, кўриниб турган, кўринарли.

**Нанг** — ор, уят, номус.

**Наргис** — бўтакўз дейиладиган гул, наргиси шахло — чиройли ва қора кўз.

**Нашқ** — ҳидлаш, нафас олиш, ҳаво олиш.

**Нафт** — қора мой, нефть.

**Наҳс, наҳси асгар** — миррих (Марс) планетаси.

**Нафир** — 1) карнай; 2) нола, фарёд, йиғи; 3) жамоат, гуруҳ.

**Нетак** — нечук, қандай қилиб.

**Неча ўсам** — қанча мақтасам ҳам.

**Нигин** — 1) узук; 2) муҳр.

**Нигор** — 1) расм, сурат, тасвир; 2) гўзал, маъшуқа.

**Нигунсор** — 1) остин-устун ҳолатдаги; 2) бўйсунган.

**Нимбисмил** — чала сўйилган, чала ўлик.

**Ниш** — 1) ари ёки чаённинг найзаси; 2) тикан.

**Ногаҳ** — тўсатдан.

**Ноком** — истагига етолмаган, маҳрум, бебаҳра.

**Номвар** — ном чиқарган, машҳур.

**Номатлуб** — талаб этилмаган, орзу этилмаган.

**Норост** — нотўғри, эгри.

**Нукар, навкар** — 1) ходим, хизматчи; 2) аскар йигит.

**Нуҳуфта** — яширин, махфий, сир, бекитилган.

**Нуқл** — май ичганда ейиладиган ширинлик (газак, закуска).

**Нўш** — 1) тотли, ширин таъм, чучуклик; 2) асал, бол; 3) сўз бирикмасида келиб, ичувчи маъносини билдиради.

## О

**Ойин** — 1) расм, одат, қилиқ, равиш, тарз, тартиб, усул, маросим; 2) ўхшаш, монанд.

**Олачуқ** — чайла, капа, уй.

**Оламафруз** — дунёни ёритувчи.

**Ом** — омма, кўпчилик, умум.

**Олдарамоқ** — довдирамоқ, эсанкирамоқ, шошиб қолмоқ, галдирамоқ.

**Оройиш** — безак, зийнат, пардоз.

**Ориқ** — ориғ — ариғ — покиза, соф, тоза, тиниқ.

**Ормоқ** — ҳоримоқ, чарчамоқ.

**Ортуқсиз** — ортиқча.

**Отоқлик** — аталиш, номланиш.

**Ошуб** — 1) ғавғо, тўполон; 2) ҳаяжон, қўрқув.

**Ошуфта** — 1) паришон, тарқоқ, тўзгиган; 2) мафтун, ошиқ, шайдо.

**Офоқ** — уфқлар, дунё.

**Очмоқ** — оч қолмоқ.

**Оғирламоқ** — 1) улуғламоқ, ҳурматламоқ; 2) эркаламоқ.

**Оғоз** — бошланиш, киришиш, ибтидо.

## П

**Падидор** — пайдо бўлган, ошкор, кўринган.

**Паёпай** — кетма-кет, устма-уст, туташ.

**Пайғом** — хабар.

**Пайваст** — туташ, кетма-кет, доимо, ҳамиша.

**Пажмурда** — сўлгин, ғамгин.

**Парубол** — қанот-қуйруқ.

**Партав** — ёруғлик, нур, шуъла.

**Пешкаш** — тортиқ, совға.

**Пир** — кекса, чол.

**Пироҳан** — кўйлак.

**Пируз, фируз** — бахтли, толеъли, ғолиб.

**Писанд** — ёқтирилган, маъқул этилган.

**Поя** — даража, мартаба, қадр, босқич.

**Пой** — оёқ.

**Пур** — тўла, кўп.



**Пургў** — сергап, эзма, кўп га-  
пирувчи.

**Пургўй** — сергап, эзма.

**Пурдард** — дардга тўлган,  
дарди кўп.

**Пурсўз** — тез ёндирувчи, ўта  
куйдирувчи.

**Пуртоб** — ярақлаган, жуда  
равшан.

**Пуршўр** — 1) шовқин-сурон;  
2) тўполончи, шовқин-сурон  
қўзғатувчи.

**Пурфан** — ҳийлакор, найранг-  
боз.

**Путратиб** — тарқатиб.

**Пўкрамоқ** — бўкирмоқ.

## Р

**Равза** — 1) боғ; 2) жаннат.

**Рамақ** — энг охирги нафас,  
жон чиқар чоқдаги нафас.

**Рафеъ** — юксак, баланд.

**Рахт** — 1) уй асбоб-анжоми;  
2) кийим-кечак; 3) йўл (са-  
фар) юки.

**Раҳбон** — зоҳид, монах.

**Реш** — 1) яра, жароҳат; 2)  
ранжиш; 3) парда ичидаги  
гўзал.

**Рожеъ** — 1) қайтувчи; 2) те-  
гишли.

**Роз** — сир, яширин, махфий.

**Рой** — фикр; қараш.

**Ройҳа, ройиҳа** — ёқимли ҳид,  
ис, бўй.

**Рост** — 1) ўнг; 2) тўғри, тик.

**Рубъи маскун** — ер юзининг  
инсон яшайдиган обод қис-  
ми.

**Руд** — музика асбоби, соз.

**Руд** — рўд — ариқ, анҳор,  
дарё.

**Руст** — маҳкам, қаттиқ.

**Рухпарвар** — ёқимли, руҳлан-  
тирувчи.

## С

**Сабукруҳ** — шод-хуррам, жон-  
ли, қизиқ, ажойиб.

**Савт** — товуш, овоз, оҳанг,  
куй, мақом.

**Саъй** этмоқ — тиришмоқ,  
уринмоқ.

**Сайд** этмоқ — овламоқ.

**Салотин** — подшолар.

**Салоҳ андиш** — яхши фикрли,  
тўғри ўйловчи.

**Самин** — қимматбаҳо.

**Санги пора** — тош парчаси.

**Саодат** — бахт.

**Сард** — совуқ.

**Сардор** — бошлиқ, етакчи,  
йўлбошчи.

**Сарзаниш** — 1) койиш, жазо  
бериш; 2) танбеҳ, ҳақорат.

**Сарандоз** — 1) боши қуйи, эн-  
кайган; 2) кайфли; 3) чақ-  
қон, ботир; 4) бошга ташла-  
надиган катта рўмол.

**Сарафроз** — 1) юксак, юксал-  
ган, ҳаммадан устун, улуг-  
вор; 2) хурсанд, қувноқ.

**Сарсабз** — 1) кўклаган, яш-  
наган; 2) шод, хурсанд.

**Сарир** — тахт.

**Сарҳад** — чегара, мамлакат.

**Сафир** — най овози, ёқимли,  
майин овоз.

**Сафо** — 1) ёруғлик, равшан-  
лик, порлоқлик; 2) хурсанд-  
лик, маишат.

**Саҳв** — хато, янглиш.

**Сақф** — 1) шифт; 2) гумбаз,  
том.

**Сақарлот** — жундан ишланган  
кийимлик.

**Севуқ** — севгили, муҳаббат,  
яхши кўринган.

**Севдар** — подшо ёки катта  
амалдорларнинг ёнида бир-  
га юрувчилар.

**Сеп** — сирғи — безаш, нақт-  
лаш.

**Сиймин** — кумуш, кумушдан ишланган.

**Сингурмоқ** — 1) ғам чекмоқ, қайғурмоқ; 2) сингдирмоқ, ҳазм қилмоқ.

**Сиришк** — кўз ёши.

**Сироят** — таъсир.

**Со** — ўхшаш, монанд.

**Солмоқ** — 1) бўшашмоқ; 2) қийналмоқ.

**Солғамоқ** — юбормоқ.

**Сонет** — яратувчи, пайдо қилувчи.

**Сори** — томон, тараф.

**Субҳ** — тонг пайти.

**Сунъ** — 1) яшаш, яратиш, қудрат; 2) иш, ҳунар.

**Суруд** — ашула, қўшиқ, куйлаш, музыка.

**Сустаймоқ** — сусаймоқ, бўшашмоқ, кучсизланмоқ.

**Суфра** — дастурхон.

**Суюрғол** — подшонинг яқинларига доимий фойдаланиш учун бериладиган ер-сув.

**Суюрғамоқ** — ярлақамоқ.

**Сўвурмоқ** — суғурмоқ.

**Сўнмоқ** — ўчмоқ.

## Т

**Таассуф** — ачиниш, афсусланиш, куюниш.

**Табдил** — ўзгартириш, алмаштириш.

**Таважжух** — юзланиш, хайрихоҳлик қилиш.

**Тавр** — равиш, йўсин, навъ, одат, қилиқ, тарз, усул.

**Тавозуъ** — одобилик, ўзини паст туттиш.

**Тавоф** — зиёрат.

**Тавфир** — орттириш, кўпайтиш, фойда.

**Таваққуъ** — бирор нарсанинг воқе бўлишига умид билан қараш.

**Таъжил** — ошиқиш, шошилиш.

**Тазвир** — алдаш, ҳийла, фириб.

**Тайр** — учтиш, қуш.

**Такаллуф** — 1) ҳашамат, безак; 2) ўзини кулфатга солтиш.

**Таклим** — гапириш, сўзлаш.

**Такаллум** — сўзлаш, гапириш, сўзлашиш, суҳбатлашиш.

**Таблис** — макр, найранг, ёлгон.

**Тамаллуқ** — ялиниш, ёлвортиш.

**Таманно** — тилак, истак, орзу.

**Тамуғ, томуғ** — дўзах.

**Танаъум** — ноз-неъматлар ичида яшаш, роҳатда яшаш

**Танг суқ** — ажабланарли, ажойиб, ноёб, тансиқ.

**Тараб** — хурсандлик, шодлик.

**Тараҳҳум** — раҳм қилиш, ғамхўрлик.

**Тарид** — 1) хитоб, наъра; 2) қаттиқ ҳужум.

**Тасхир** — 1) забт этиш, қўлга олиш; 2) илинтириш, ром қилиш.

**Тасарруф** — ўз ихтиёрига олиш.

**Тақрир** — қарор бериш, мақсадни оғзаки англатиш, гапирмоқ.

**Тафарруж** — сайр-томоша, кўнгил очиш.

**Тафаъул** — 1) тахминлаш, фол очиш; 2) яхшиликка йўйиш.

**Тағйир** — ўзгариш.

**Таҳаммул** — тоқат, сабр, чиндам.

**Таҳайюр** — ҳайрон қолмоқ, ҳайрон бўлиш, ҳайронлик, шошиб қолиш.

**Таҳтас** — саро — ер ости.

**Таҳрир** — ёзиш, асар ёзиш.

**Таҳқиқ** — ҳақиқатни излаш, текшириш.

Тебрамай — тебраңмай, қи-  
мирламай.

Тегра — айлана, атроф.

Теёбилман — дея билмайман,  
таърифини келтира олмай-  
ман.

Тез — ўткир.

Текурмоқ — етказмоқ.

Тиноли — дам олайлик.

Тийра — 1) қоронғи; 2) ғам-  
ғуссали.

Тоб<sup>1</sup> — тоқат, куч, қудрат, чи-  
дам.

Тоб — эшилма, тўлғаниш, бу-  
килиш.

Тоб<sup>3</sup> — 1) нур, товланиш; 2)  
иссиқлик, ҳарорат, иситма.

Тобон — ёруғ, порлоқ.

Тобуқ — табуғ — табуқ — 1)  
бўйсунуш, тоат; 2) ҳузур,  
олд, хизмат.

Тоиф — атрофда юрувчилар.

Том — 1) уй томи; 2) девор.

Томот — беҳуда, таги-туғи  
йўқ сўзлар, лоф-қоф.

Тонгламоқ — тингламоқ, уқ-  
моқ.

Тонгирғамоқ — ажабланмоқ.

Тор — қоронғи.

Ториқмоқ — зерикмоқ, сиқил-  
моқ.

Туби — яхши, энг яхши, аъло.

Туз — тўғри, рост, келишган.

Туйноқ — туёқ.

Тулуъ этмоқ — қуёш ёки ой-  
нинг чиқиши.

Туман — ўн минг; 2) туман  
(уезд, район).

Тунд — аччиқ, ғазаб, ғазабли.

Тундбод — қаттиқ шамол, бў-  
рон.

Турбат — 1) тупроқ; 2) қабр.

Тунг — халта.

Турулмоқ — 1) бурушмоқ; 2)  
туриб эскириб қолмоқ.

Турунгуз — турунгиз.

Тўз — чанг, ғубор.

Тўкуз — тўкис, тўла, мукам-  
мал.

Тўнгулмоқ — ожизланмоқ, бе-  
тобланмоқ.

Тўпингмоқ — тўпланмоқ.

Тўра — хонзода, подшозода.

Тўраган — турадиган.

Тўш — туш — тараф, томон,  
рўпара.

Тўшлуқ тўши — ҳар киши  
ўзича, ҳар ким ўз олдига.

## У

Уброқ, уброғ — қийқим, пар-  
ча.

Уд — чолғу асбоби.

Увилжамоқ — 1) таъзим қил-  
моқ; 2) қучоқлашиб кўриш-  
моқ.

Укмоқ — мақтамоқ.

Узор — 1) юз, бет, чирой; 2)  
чакка.

Улус — халқ, эл, қабила.

Улуқ — улуғ.

Умоқ — 1) уруғ, қабила; 2)  
куч, жасорат кўрсатмоқ.

Урмак — ҳурмоқ, улумоқ.

Уртук — қоплама, чодир.

Уюмоқ — ухламоқ.

Угон — 1) қудратли, кучли; 2)  
худо.

## Ф

Фанг — ҳийла, найранг.

Фар — порлоқлик, ҳашамат,  
савлат, шукуҳ, безак.

Фаррух — 1) гўзал, ҳусндор;  
2) очиқ юзли, ёқимли, шод,  
қутлуғ, бахтиёр.

Фаррош — 1) палос тўшовчи;  
2) югурдак, хизматчи; 3)  
мачит, мозор, мадрасани су-  
пурувчи одам; 4) қўрувчи.

Фарш — тўшаш, ётқизиш, тў-  
шама, тўшалган, ётқизил-  
ган нарса.

**Фасоҳат** — очиқ, равшан, ра-  
вон сўз.

**Фориғ** бўлмоқ — қутулмоқ,  
халос бўлмоқ, тўхтамоқ.

**Фол** — 1) келажакдан хабар  
бериш; 2) фол очмоқ.

**Фохр** — шонли, ҳашаматли,  
ғўзал.

**Фузул** — 1) ортиқ ва кераксиз  
сўз; 2) ҳар нарсага аралаш-  
увчи, ҳаддидан ошувчи; 3)  
телба, тентак, ўзбошимча.

**Фусун** — афсун — сеҳр, авраш  
найранг, фириб, макр.

## Х

**Хабис** — ёмон, ярамас, ифлос.

**Хазона** — хазина.

**Харвор** — юк.

**Хилват** — холи, кимсасиз  
жой.

**Хилъат** — сарпо, ҳашамли  
кийим.

**Хинги** — елтан — чопқир,  
учар от.

**Хирадманд** — ақлли, доно.

**Хиргоҳ** — чодир.

**Хиромон** — ўзини ҳар тараф-  
га ташлаб, ноз билан юрув-  
чи.

**Хитта** — мамлакат, ўлка, ер  
юзи.

**Хожасарой** — ички хизматчи,  
ҳарам ходими, маҳрам, қул.

**Хок** — 1) тупроқ; 2) ер юзи.

**Худрой** — ўжар, қайсар, ўзбо-  
шимча.

**Худоро** — 1) ўзини безовчи,  
кўркем кўрсатувчи; 2) мағ-  
рур, шуҳратпараст.

**Худрў** — худрўй — ўзича ўс-  
ган, ёввойи.

**Хулдбарин** — жаннат.

**Хунолуд** — қон аралашган,  
қонли, қон қўшилган.

**Хуноба** — қонли ёш, аччиқ йи-  
ғи.

**Хунрез** — қон тўкувчи, қон со-  
чувчи.

**Хунхор** — қонхўр.

**Хуруш** — бўкириш, ҳайқириш  
қичқириш.

**Хуршед** — қуёш, кун.

**Хуфта** — уйқу.

## Ч

**Чавгон** — ўйинда от устида  
туриб тўпни тутиб оладиган  
учи эгри узун таёқ.

**Чеврулмоқ** — айланмоқ.

**Ченамоқ** — синчиклаб кўрмоқ.

**Черик** — қўшин.

**Черка** — андиша.

**Чирчимлаб** — 1) саришта қи-  
либ; 2) юришга тайёрлаб.

**Чирғамоқ** — мамнуниятда  
яшамоқ.

**Чолмоқ** — 1) кесмоқ, узмоқ;  
2) боғламоқ, тақмоқ; 3) ур-  
моқ.

**Чопқун** — 1) зўр шамол, бў-  
рон; 2) талон-торож, тўпо-  
лон.

**Чоғир** — май, ичкилик, ша-  
роб.

**Чуст** — тез, чаққон.

**Чўлуган** — чўллаган, чанқа-  
ган.

**Чўркамоқ** — ўрамоқ.

## Ш

**Шабгир** — тун бўйи ухламов-  
чи, кечаси юрувчи.

**Шакаррез** — шакар тўкувчи,  
ажойиб сўзлар айтувчи,  
ёқимли, фасих шеърлар  
ёзувчи.

**Шаст** — 1) камон ўқи; 2) қар-  
моқ.

**Шафоат** — ўртада туриб воси-  
та бўлиш.

**Шафеъ** — всситачи, ҳимоячи.

**Шаҳвор** — йирик ва аъло.

**Шаҳд** — асал, бол; **шаҳд оқмоқ** — ширин сўзламоқ.

**Шева** — одат, равиш, йўсин.

**Шер куши** — арслонни ўлдирадиган.

**Шилон** — шулон — умумий овқат, умумий зиёфат.

**Шир** — сут.

**Шиговул** — хон саройидаги ишларни бажарувчи, дастурхончи.

**Шойиста** — мувофиқ, муносиб, лойиқ, мақбул, маъқул.

**Шоҳид** — 1) гувоҳ; 2) маҳбуб.

**Шукуфта** — очилган.

**Шуъба** — 1) бўлим, шоҳобча, тўда; 2) музикада асосий куйдан келиб чиқадиган куй.

**Шўрида** — ганграган, парিশон.

## Э

**Эв** — уй.

**Эврулмоқ** — 1) айланмоқ, ўгирилмоқ; 2) машғул бўлмоқ; 3) қайғурмоқ.

**Эгармоқ** — айланмоқ, давр урмоқ.

**Эйиб** — эгиб.

**Эъзоз** — ҳурматлаш.

**Эл** — 1) қўл; 2) халқ.

**Элхон** — овозлар, сайрашлар.

**Эмгак** — 1) эмаклаш; 2) машаққат, кулфат.

**Эмганмоқ** — қийинлик чекмоқ.

**Энмоқ** — инмоқ — юқоридан пастга тушмоқ.

**Эрам** — афсонавий бог.

**Эрикмоқ** — зерикмоқ.

**Эроф** — кавсар.

**Эс** — куч.

**Эсурмоқ** — маст бўлмоқ, ўзидан кетмоқ.

**Эярлатмоқ** — эгарлатмоқ.

**Эяси** — эгаси.

## Ю

**Юдомоқ** — 1) толмоқ, ҳоленланмоқ; 2) ночорликда қолмоқ.

**Юздурмоқ** — сүздирмоқ.

**Юкунмоқ** — ҳурмат билан эгилмоқ, тиз чўкмоқ.

## Я

**Якрўя** — бир юзлама.

**Ялдо** — энг узун (қоронғи қиш туни).

**Яроғ** — яроқ — 1) қурол-аслаҳа, асбоб-анжом, керак-яроғ; 2) ҳозирлик.

**Ясол** — саф, қатор.

**Ясоқ** — ясоғ — ёсоқ — 1) тақиллаш; 2) қарор, тартиб, қонун; 3) жазо; 4) солиқ; 5) ҳарбий интизом, жанговар тартиб.

## У

**Увурмоқ** — ўгирмоқ.

**Ука бошламоқ** — мақтай бошламоқ.

**Укмоқ** — мақтамоқ, сифатини айтмоқ.

**Уркаб** — ўраб.

**Уркамай** — ўтирмай, турмай.

**Урламоқ** — юқорига юрмоқ, юқориламоқ.

**Уртунмоқ** — ўртанмоқ, куймоқ, қайғурмоқ.

**Урт** — куйиш, ёниш, ўртаниш.

**Ўртанмоқ** — уялмоқ, юз қизармоқ, хижолат тортмоқ.

**Ўтмак** — нон.

**Ўтру** — қарши, муқсбил, рўпара.

## Қ

Қабо — узун уст кийим.

Қавл — сўз, гап.

Қадар — 1) тақдир, ёзмиш; 2) куч, қудрат; 3) миқдор, даража, эътибор.

Қазо — 1) бирор воқеанинг юзага келиши; 2) тасодиф; 3) ўлим.

Қалб — сохта, қалбаки.

Қамбил — баландлик, тўсиқ.

Қамуқ — қамуғ — қомук — ҳамма, барча.

Қора — қара — 1) қора, қоронғи; 2) нишона, белги, асар; 3) узоқдан кўринган шарпа, қора; 4) қийналган жон.

Қасаблўш — беқасамни ёпинган, беқасамни кийган.

Қаттиқ — қаттиқ.

Қиравон — қирвон — 1) та- раф, томон; 2) кўп.

Қироқ — қирғоқ, чет, чекка.

Қито — бўйлаб, давомиди.

Қозғонмоқ — қозонмоқ, қўлга киритмоқ, ҳосил қилмоқ.

Қомилмоқ — 1) тўкилмоқ; 2) пайдо бўлмоқ, юзага кел- моқ.

Қормоқ — ушламоқ, ўраб олмоқ.

Қот — томон, ҳузур, олд, ён.

Қотилмоқ — тўқнашмоқ, ара- лашмоқ, қўшилмоқ.

Қофила — қарвон, сафарга чиққан йўлчилар.

Қулмоқ — узр сўрамоқ.

Қуловуз — 1) етакчи, йўлбош- ловчи; 2) жосус.

Қурушмоқ — қовжирамоқ.

Қушламоқ — қуш овламоқ.

Қўр — 1) милтиқ дори (по- рох); 2) иссиқ кул.

## Ғ

Ғаввос — сув тагига шўнғув- чи.

Ғавс — 1) ёрдам, мадад; 2) сув тубига шўнғиш.

Ғадр — хиёнат; 2) раҳмси- лик, золимлик.

Ғаддор — 1) бераҳм, золим; 2) алдамчи, хиёнатчи.

Ғажорчи — йўлбошловчи.

Ғаним — душман.

Ғамза — ноз-карашма.

Ғаммоз — сир очувчи, чақим- чи.

Ғарро — жўшқин, ёрқин.

Ғирев — шовқин-сурон, қич- қириқ.

Ғул — дев, ёввойи одам.

Ғулғул — шовқин, сувнинг шарқираши.

## Ҳ

Ҳабиб — зевишли, дўст.

Ҳови — ўз ичига олувчи, ўраб олган.

Ҳадина — нарвон.

Ҳаккок — қимматли тошлар- ни йўниб, тарашлаб пардоз- ловчи.

Ҳазимат — чекиниш, орқага қайтиш.

Ҳазрат — 1) ҳузур, олд; 2) жаноб, ҳурматли.

Ҳиял — ҳийлалар, алдовчи- лар, фириблар.

Ҳай — тирик, жонли.

Ҳалоҳил — таъсири ўткир, ўл- дирувчи.

Ҳамдўш — ҳамхона.

Ҳамзону — бирга ўтириш, тиз- зама-тизза ўтириш.

Ҳамият — ор-номусни сақ- лаш ва уни ҳимоя қилиш.

Ҳамин — шу, мана шу.

Ҳамнишин — ҳамсуҳбат.

Ҳамойил — елка ва қўлтиқ орқали ўтказиб тақилади- ган боғ, масалан, китоб жилдининг боғи.

Ҳамоғуш — қучоқлашган.

Ҳамроз — сирдош.

Ҳамчу — ўхшаш, шундай,  
шунга ўхшаш.

Ҳанжор — тартиб, қоида, йў-  
син, равиш, йўл.

Ҳарза — беҳуда, бемаъни сўз,

бекорчи сўз, валақлаш, ал-  
жираш.

Ҳаросон — қўриқчи, қўрққан,  
қўрқоқ.

Ҳасуд — ҳасадчи, кўролмов-  
чи.

Ҳуққа — қимматбаҳо тошлар  
солинган қутича.

---

**На узбекском языке**

**Школьная библиотека**

**ЛУТФИИ**

**ГУЛ И НАВРУЗ**

**Издательство «Уқитувчи»  
Ташкент — 1974**

**Редактор А. Шокиров  
Ведущий редактор П. А. Бродский  
Техн. редактор Т. Ананина  
Корректор Ж. Нуриддинова**

**Теришга берилди 26/III 1974 й. Босишга рухсат этилди 30/IX 1974 й. Қогоз № 3.  
60Х90 1/16 Физ. б. л. 6,0. Нашр. л. 4,01. Тиражи 50000.**

**«Уқитувчи» нашриёти. Тошкент, Навоий кўчаси, 30. Шартнома 44-74. Баҳоси 12 т.**

**ЎзССР Министрлар Советининг нашриётлар, полиграфия ва китоб савдоси ишлари бўйича Давлат Комитетининг 2-босмақонаси. Янгийўл, Чехов кўчаси, 3. 1974 й.  
Зак № 71.**

**Типография № 2 Государственного Комитета Совета Министров УзССР по делам издательств, полиграфии и книжной торговли. Янгиюль, Чехова, 3.**